БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (559)

4 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Кенг исте'мол молларини кўп ва сифатли ишлаб чиқарайлик

Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатни индустрлаш сиёсатининг тўғри ҳал қилиниши натижасида социалистик экономикамиз асосларининг асоси—оғир индустрия СССР саноатида етакчи тормоқ бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди қарорларида социалистик экономиканинг барча тормоқларини ривожлантириш, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқнинг фаровонлигини янада оширишнинг негизи бўлган оғир саноатни устун даражада ўстиришни та'минлаш ниҳоятда зарур эканлиги алоҳида та'кидланди. Шу блан бирга Директиваларда социалистик хўжалик системасининг афзаллиги туфайли эндиликда биринчи класс оғир индустрияга эга бўлган мамлакатимизда халқ исте'мол қиладиган буюмлар ишлабчиқаришни янада кенгайтириш, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилди.

КПСС XX с'езди Директиваларида олтинчи бешйилликда кенг исте'мол моллари ишлабчиқаришни тахминан 60 процент кўпайтириш белгиланади. 1960 йилда кенг исте'мол моллари 1940 йилга нисбатан уч ярим баравар кўп ишлабчиқарилади. Озиқ-овқат саноати ҳам кенг ривожлантирилади.

Коммунистик партиянинг сўзи блан иши бир эканлигига қаттиқ ишонган ва халқ тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликлардан бениҳоя руҳланган совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари олтинчи бешйилликнинг улуғвор программасини амалга ошириш, шу бешйилликнинг биринчи йили 1956 йил давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партия раҳбарлигида ва Совет Иттифоқи ҳукуматининг бевосита ёрдами туфайли областимизда оғир индустриянинг юраги ҳисобланган машинасозлик саноати барпо этилди ва саноатнинг бу тормоғи устун даражада юксалиб бормоқда. Областимиз машинасозлари қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришда, енгил ва озиқ-овқат саноатини ҳозирги замоннинг илғор техникаси блан та'минлашда катта роль ўйнамоқдалар. Қишлоқ хўжалиги машиналари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган мураккаб станоклар ва бошқа асбоб-ускуналар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Областимиздаги Сталин номли тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси, Тошкент 2-нчи пойафзал фабрикаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Янгийўл консерва заводи каби кўпгина енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ўз зиммаларига юклатилган вазифани яхши адо этмоқдалар. Бундай корхоналарда мавжуд техника ва ресурслардан унумли фойдаланилаётганлиги, мустаҳкам меҳнат интизоми ўрнатилганлиги, меҳнат тўғри ташкил этилганлиги, ҳарбир участка, цех, бригада ва ҳарбир агрегатнинг бир ме'ёрда ишлаши та'минланганлиги туфайли катта муваффақиятларга эришилмоқда. Қайсибир корхонада хўжалик ишининг кўзини билиб раҳбарлик қилинаётган, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган, хўжалик раҳбарларининг иш фаолияти ва раҳбарлик методи устидан партия ҳамда жамоат контроллиги яхши уюштирилган бўлса, шу корхонада давлат планлари тўла ва ошириб бажарилмоқда, маҳсулотнинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

«Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг коллективи с'ездолди умумхалқ мусобақасида актив қатнашиб, КПСС тарихий XX с'ездини меҳнат соҳасида катта ғалабалар блан кутиб олди. Фабриканинг ватанпарвар ишчилари, инженер-техник ходимлари с'езддан кейин ҳам социалистик мусобақани бўшаштирмадилар. Аксинча с'езднинг қарорларидан бениҳоя руҳланиб, мусобақани янада ривожлантириб юбордилар. Натижада коллектив биринчи квартал давлат планини муддатидан илгари бажарди ва қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлабчиқарди.

Броқ, енгил ва озиқ-овқат саноати, айниқса маҳаллий ва кооператив саноати корхоналарида давлат планини бажариш, хусусан маҳсулотнинг сифатини яхшилаш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Тошкент ҳунармандчилик Совети маҳсулотнинг миқдор кўрсаткичларига маҳлиё бўлиб, унинг яхши сифатли бўлиши тўғрисида амалий чоралар кўрмаётир. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, бу системага қарашли корхоналар ишлаб чиқараётган пойафзалнинг 75 процентдан кўпроғи, мебельнинг 90 процентдан кўпи, эмалланган идиш, мулине ип ва металл кроватьларнинг эса деярли ҳаммаси турли деффектларга эга. «Шарқ юлдузи», «Иттифоқ», «Мебельщик», «Октябрь 30 йиллиги» ва «Прогресс» артельлари ҳаммадан кўп сифатсиз ва брак маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Горпромсоветнинг бошқа кўпгина корхоналарида ҳам ана шундай аҳволни учратиш мумкин.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ фаровонлигини янада ошириш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликлари туфайли аҳолининг харид қуввати кун сайин ортиб бормоқда. Шунинг натижасида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб тобора кўпаймоқда. Броқ, кўпгина муҳим саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлабчиқариш ўсиб бораётган талаблардан орқада қолиб кетмоқда. Аҳолини юқори сифатли ба'зи саноат моллари блан та'минлашда айрим қийинчиликлар юз бермоқда. Бунга савдо ташкилотларимизнинг эпчиллик блан ишламаётганликлари ма'лум даражада сабаб бўлаётган бўлсада, лекин ишлабчиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги асосий сабабдир. Шунингдек, мавжуд енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналарининг тўла қувватда ишламаётганликлари, барча ресурс ва имкониятлардан етарли фойдаланилмаётганлиги орқасида областимиздаги айрим корхоналар давлат планларини бажармаётирлар. Номенкулатурада белгиланган муҳим маҳсулотлар етарли миқдорда ишлабчиқарилмаётир. Сифатсиз маҳсулотлар ишлабчиқариш ҳали ҳам давом этмоқда.

Енгил ва озиқ-овқат саноатини белгиланган суратда ривожлантиришни амалга ошириш партия ва совет ташкилотларидан ҳамда хўжалик раҳбарларидан ишлабчиқаришнинг техника даражасини юксалтириш, иш процессларини кенг миқ'ёсда механизациялаш ва автоматлаштириш учун кескин кураш олиб боришларини талаб қилади. Корхоналарда янги техникани кўплаб ўрнатиш блан бирга ишлабчиқаришдаги мавжуд машина ва станок паркларини модернизациялаш, новатор ва рационализаторларнинг фойдали таклифларини амалга ошириш йўли блан асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ва уларнинг иш унумини ошириш лозим.

Саноат корхоналарида социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, ишчилар оммасининг ижодий ташаббусига бошчилик қилиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, ишлабчиқаришда юз бераётган камчиликларни пухта ўрганиб, бу камчиликларни бартараф қилишда цех, бригада бошлиқларига яқиндан ёрдам бериш, мастерларнинг ишлабчиқаришдаги ролини ошириш, коммунистларнинг авангард бўлишини та'минлаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари, маҳаллий партия органлари ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий ташаббусларини, ишлабчиқаришнинг барча ички резервларини кенг исте'мол молларини кўплаб ишлабчиқариш ва олтинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишлари лозим.

Областимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари меҳнаткашларни халқаро ҳамкорлик куни — 1 Май шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кенг исте'мол молларини кўп ва сифатли ишлаб чиқариш учун бутун куч ва билимларини сарфлайдилар.

Н. А. БУЛГАНИН Югославия Федератив Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичуновични қабул қилди

1956 йил 3 апрельда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичуновични қабул қилди ва у блан суҳбатлашди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичуновични қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрущев Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичуновични қабул қилди ва у блан суҳбатлашди. (ТАСС).

В. М. МОЛОТОВ ҳузурида Мўғулистон Халқ Республикасининг Элчиси Д. Адилбиш шарафига зиёфат

Мўғулистон Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Адилбиш Москвадан жўнаб кетиши муносабати блан СССР министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов 2 апрельда унинг шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Элчихонанинг маслаҳатчиси Л. Тойбо, савдо маслаҳатчиси Д. Гомбожав, 1-нчи секретарь Б. Дорволжин, 2-нчи секретарь Х. Цэдэндорж, 2-нчи секретарь Д. Ойдов, 3-нчи секретарь О. Сух-Очир ва Элчихона атташеси Б. Готов ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, Узоқ Шарқ бўлимининг мудири И. Ф. Курдюков ва СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг бошқа мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Маршал ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги э'лон қилинганлиги муносабати блан Сиз Жаноб Олийларининг ўз номингиздан ва совет халқи номидан бизга юборган телеграммангиз бизни хурсанд қилди. Сизнинг самимий табрикларингиз ва яхши истакларингиз учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, Совет Иттифоқига ва унинг Олий Советига бахт-саодат тилаб, яйраб-яшнашларини истаймиз.

МУҲАММАД V

Мароккаш Короли.

Швеция элчихонасида қабул маросими

2 апрельда Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман Швеция Бош Министри Т. Эрландер ва Ички ишлар министри Г. Хедлунднинг СССРда бўлиши муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет ҳукуматининг таклифига биноан Москвада меҳмон бўлиб турган Швеция Бош министри Т. Эрландер рафиқаси блан, Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси блан, Бош Министрнинг шахсий секретари У Пальме, Швеция Ташқи ишлар министрлиги Савдо бўлимининг 2-нчи секретари Г. Лоренцтон, Швеция Бош Министри ҳузуридаги матбуот ишлари махсус вакили С. Фрикиус ва бир группа швед журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Совет томонидан Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, В. М. Молотов, М. З. Сабуров, Н. С. Хрущев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, СССР Министрлари В. Г. Бакаев, Ф. Д. Вараксин, В. П. Елютин, А. Г. Зверев, А. А. Ишков, Л. Р. Корниец, Ф. Г. Логинов, Н. А. Михайлов, Г. М. Орлов, К. Д. Петухов, Совет Иттифоқи маршаллари И. Х. Баграмян, С. М. Будённий, В. Д. Соколовский, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижрокомининг раиси Н. И. Бобровников, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, СССР Мудофаа министрлигининг, Ташқи савдо министрлигининг, СССР Маданият министрлигининг мас'ул ходимлари, совет маданияти арбоблари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Элчихона ва Миссияларнинг ходимлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Биринчи Май шарафига

Тошкент тўқимачилик комбинати читга гул босиш фабрикасининг илғор ишчиси Михаил Петрович Коровушкининг ёши 60 га чиққан бўлса ҳам, у, жонажон фабрикаси қучоғидан ажралгуси келмайди. Яқинда фабрика коллективи бу кекса ишчининг юбилейини ўтказди. Суратда: ўртоқ Коровушкин иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

Рационализаторлар ҳиссаси

Тошкентдаги 1-нчи сон пойафзал фабрикасининг коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўн товарларни тежабтергаб сарфлаш учун социалистик мусобақани авж олдирди. Шу йўл блан йил бошидан бери ўтган йилнинг шу давридагига қараганда қарийб юз минг жуфт кўп пойафзал ишлаб чиқарилди.

Ихтиро'чилардан — 5-нчи тикув цехининг смена бошлиғи Боевский, бешинчи цехнинг участка мастери Панченко ва резина аралашмаси участкасининг технологи Норман кўнни жилвир қоғоз блан тозалаганда кўп миқдорда ҳосил бўладиган чангни ишлабчиқаришда қўлланабошладилар. Бу таклифни жорий қилиш натижасида йилига бир юз эллик минг сўмдан кўпроқ маблағ тежалади.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида йил бошидан бери тежалган хомаш'ёдан қарийб 12 минг жуфт пейафзал ишлаб чиқарилди.

Прокат станларининг бекор туриши камаймоқда

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг прокат цехида станларни ремонт қилишнинг илғор агрегат-узловой методи муваффақият блан қўлланилмоқда. Ҳозир бу ерда станларнинг тўртдан уч қисм узеллари ремонт қилинмайди, балки аввалдан завод олмошув фондида тайёрланган узеллар блан олмоштирилади. Бу метод ремонт ишлари сур'атини тезлаштирибгина қолмай, балки шу блан бирга унинг сифатини ҳам кескин суратда яхшилайди. Чунки эндиликда узеллар асосан махсус мастерскойларда ремонт қилинмоқда.

Прокат станларининг бекор туриб қолишини камайтиришга ремонт ишларини ихтисослаштириш туфайли эришилмоқда. Ишчиларга алоҳида механизмлар бириктириб қўйилмоқда. Бу эса уларнинг ремонт технологиясини мукаммал ўзлаштириб олишларига ёрдам бермоқда. Ишчилар бу соҳага муҳим ўзгартишлар киритмоқдалар. Мастер В. Шагапов прокат станларининг подшипниклари корпусини 5 минут ичида олиш ва қайта ўрнатишга ёрдам берувчи махсус мослама тайёрлади. Илгарилари бу иш кранлар ёрдами блан қилинар ва ярим соат вақт олар эди.

Станларнинг ремонтда туриш муддатини планда белгиланганидан кўра камайтириш ҳисобига прокат цехи ҳар ойда қўшимча равишда бир смена ишламоқда.

(ЎзТАГ).

Корхоналар ихтисослаштирилмоқда

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли корхоналар ихтисослаштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда учта йирик фабрикада тўқимачилик-трикотаж буюмлар тайёрлайдиган ускуналар ўрнатилди. Илгари бу буюмлар ўнбитта корхонада тарқоқ равишда ишлабчиқарилар эди. Тошкентда қурилаётган механизациялаштирилган фабрикага ўнта кўн-пойафзал корхоналаридаги техника олиб келинмоқдаки, бу тадбир шу йил ичида ишлабчиқарилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришини камида 20 процент арзонлаштириш имкониятини беради.

Ўзбекистон маҳаллий саноат корхоналарининг қайтадан ташкил қилиниши бирнеча ўн миллион сўм маблағни тежайди.

Тошкентдаги пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ махсус конструкторлик бюроси ходимлари юқори иш унумли, кўпқаторли, квадрат-уялаб экадиган сеялканинг янги хилини яратиш устида кунт блан ишламоқдалар. Бу соҳада улар дастлабки ғалабаларни қўлга киритдилар. Суратда: бош конструктор Е. В. Радкевич иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

Янги колхоз пахтакорлари экишга пухта тайёрланмоқда

Мирзачўл районида янгидан ташкил этилган Энгельс номли, Карл Маркс номли, Мичурин номли колхозларнинг а'золари шу кунларда янги хўжаликларини мустаҳкамлаш режаларини тузмоқдалар. Баҳорикор районлардан кўчиб келган бу ёш пахтакорлар баҳор байрами 1 — Майни муносиб кутиб олиш учун экишга тайёргарлик ишларини тугалламоқдалар. Янгидан ўзлаштирилган ерлар текисланиб, пахта ва бошқа экинлар экишга тахт қилиб қўйилмоқда.

Энгельс номли, Карл Маркс номли ва Мичурин номли колхозларнинг ҳарбири бу йил 400 гектардан ерга экин экади. Улар бу ерларнинг кўп қисмини пахтазорга айлантириш учун курашмоқдалар. Янги колхозларга 1-нчи МТС коллективи яқиндан ёрдам бермоқда. МТС механизаторлари бороналаш ва бошқа ишларни тезроқ тугаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Р. АШУРОВ.

Колхозга оталик ёрдами

Тошкент темир йўли Бошқармасининг ходимлари Тошкент область Ўртачирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхозга амалий оталик ёрдами кўрсатмоқдалар. Минерал ўғитларни ташиш учун колхозга тўртта юк машинаси юборилди, темирйўлчилар колхознинг иккита автомашинасини ремонт қилиб бердилар. Инженер-техник ходимларнинг раҳбарлиги остида 6 километр узунликда автомобиль йўли, суғориш канали қурилаётир. Бу ишларни бажаришда темирйўлчиларнинг механизмлари ишлатилмоқда.

Йўлнинг молия ходимлари бажариладиган ишларни ҳисобга олишни, меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри йўлга қўйишда колхоз бухгалтериясига зарур ёрдам кўрсатдилар.

Қайроққум ГЭС қурилишида

Қайроққум ГЭС қурувчилари қурилиш-монтаж ишлари бўйича биринчи квартал топшириғини анча ортиғи блан бажардилар. Бу муваффақиятга қурувчилар гидроэлектростанцияни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун социалистик мусобақани кенг қизитиш туфайли эришдилар. Қурилиш коллективи Сирдар'ёни тўсишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу иш 5 апрельда бошланади ва 8 апрельда тамомланади.

Қурилиш бошлиғи ўртоқ Я. И. Флигельман ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Гидроузелнинг дар'ёни тўсиш ва сув ўтказишга имкон берувчи барча иншоотлари асосан қурилиб бўлди. Ҳозир тўғоннинг айрим қисмлари монтаж қилинмоқда ва бетон ётқизилмоқда. Бу кўп меҳнат талаб қиладиган ва шу блан бирга жуда муҳим ишдир. Фарҳод ГЭС қурилишидаёқ донг чиқарган бетончи Наби Мирзаахмедов ва бетончиларнинг донгдор бригадири Ғулом Орзиқулов ўртоқлар айниқса яхши ишламоқдалар.

Экскаваторчиларимиз ҳам орқада қолаётганлари йўқ. Экскаватор машинисти Александр Галичев энг муҳим участкада ишлаб, меҳнат унумдорлигини оширишда ҳаммага намуна кўрсатмоқда.

Ҳозир қурилишда 1 Май шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Қайроққум қурилишининг коллективи партия XX с'езди томонидан олтинчи бешйиллик планига киритилган бу гидроэлектростанцияни муддатидан илгари қуриб битказиш ва шу йилнинг охирида Ўзбекистон ҳамда Тожикистонга дастлабки икки агрегатдан саноат токи бериш учун барча чораларни кўрмоқдалар. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқида

СССР Фанлар Академияси тарих фанлари бўлимининг сессияси

ЛЕНИНГРАД, 2 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда СССР Фанлар академияси тарих фанлари бўлимининг илмий сессияси очилди. Бу сессияда академия Моддий маданият тарихи институти томонидан ташкил этилган археология экспедицияларининг 1955 йилда қилган ишлари якунланади. Сессияда 500 га яқин киши, шу жумладан, Москва, Киев, Минск, Тбилиси, Тошкент, Рига ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган олимлар қатнашмоқда.

Сессияни Академия Тарих фанлари бўлимининг академик-секретари М. Н. Тихомиров очди. У айтдики, ўтган йил мамлакатнинг турли районларида текшириш ишларини олиб борган экспедициялар самарали ишлар қилдилар ва инсониятнинг илк тарихи, Ватанимизнинг ўтмиши тўғрисидаги тасаввурларни бойитадиган кўпгина қимматли материаллар топдилар.

М. Н. Тихомиров 1955 йилда ўтказилган энг муҳим тадқиқотлар тўғрисида гапириб, археология ишларини янада кенгайтириш, бу ишларни яхши ташкил этиш вазифаларига тўхталди.

Сўнгра илмий докладлар тинланди.

Тожикистон коммунал хўжалиги

СТАЛИНОБОД, 3 апрель, (ТАСС). Тожикистоннинг коммунал хўжалиги йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Шаҳарлар обод қилинмоқда, кўплаб уй-жой бинолари қурилаётир.

Сталинободда бўлиб ўтган республика коммунал хўжалиги ходимлари активининг йиғилиши республика коммунал хўжалигининг 1956 йил планини муҳокама қилди. Бу йил республикада ободонлаштириш ишлари учун 50 миллион сўм маблағ сарфланади.

АТОМ ЛОКОМОТИВИ



Яқинда Москвадаги Бауман номли олий техника билим юртининг студентлари В. Шайков ва А. Степанов ўртоқлар диплом ишларини ёқладилар. Улар ўз диплом ишларида 5500 от кучига эга бўлган юк ташувчи атом локомотивининг проектини тузиб чиққан эдилар.

Бу локомотив икки секциядан иборат бўлиб, биринчи секцияда реактор ва қозон установкаси, иккинчисида эса пар турбинаси, конденсатор ва ёрдамчи ускуналар бор. Авторлар реактор хилини танлаганларида графитли секинлатгичи бор бўлган гетероген реакторини олдилар. Дастлабки иссиқликни ташувчи сифатида натрий ва ёқилғи сифатида эса уран 235 блан 2 процентгача бойитилган табиий урандан фойдаланилади.

Локомотив бригадасидаги кишиларни радиактив тўлқинларнинг зарарли та'сиридан сақлаш мақсадида реакторнинг актив зонаси графит отражатель блан ўраб қўйилган, бутун реактор эса қўрғошин ва бетон экран блан бекитилган.

Локомотив сув олмасдан 1000 километр йўл босиши мумкин. Ундаги ёқилғи запаси установканинг 7200 соат ишлашга етади. Суратда: А. Степанов, илмий раҳбар техника фанлари доктори профессор И. Суровцев ва В. Шайков ўртоқлар атом локомотиви чертежини кўздан кечирмоқдалар.

Э. Евзерихин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Қирғизистон сан'ат усталарининг ижодий ҳисоботлари

ФРУНЗЕ, 2 апрель. (ТАСС). Кеча Тўқтагул Сотилғонов номидаги Қирғизистон филармониясида катта кеча бўлди. Бу кеча кўзга кўринган қирғиз композитори, СССР халқ артисти Абдилас Малдибоевнинг ижодига бағишланган эди. Малдибоев икки юзга яқин қўшиқ яратган, бошқа композиторлар блан ҳамкорликда бирнеча опера ёзган.

Музикашунос П. Шокальский илгари чўпон бўлиб кейинчалик йирик композитор, талантли ашулачи бўлиб етишган Малдибоевнинг ижодий йўли тўғрисида сўзлаб берди.

Концертда «Иссиққўл соҳилларида» операсидан, саҳнада кўрсатиш учун тайёрланаётган «Тўхтагул» номли янги опера асаридан хорлар ва ариялар, лирик қўшиқлар ижро этилди. Авторнинг ўзи бирқанча асарларни ижро этди. Концертда опера ва балет театрининг, филармониянинг, Қирғизистон ССР давлат хорининг солистлари, халқ чолғу асбоблари оркестри қатнашди.

Қирғиз сан'ат усталарининг ижодий ҳисоботлари республика пойтахтида мунтазам суратда ўтказилиб турилади.

Қора металлургия касаба союзи ходимларининг с'езди

2 апрельда Москвадаги Союзлар уйининг колонна залида қора металлургия касаба союзи ходимларининг IV с'езди очилди. С'ездда домначилар, пўлат эритувчилар ва темир кони ҳавзаларининг турли касбдаги ходимларидан 400 га яқин киши иштирок этмоқда.

Касаба союз Марказий Комитетининг иши ҳақида Марказий комитет раиси В. А. Подзерко доклад қилди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. (ТАСС).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Депутатларнинг сайловчилар блан алоқасини кучайтирайлик

Маҳаллий Советлар олдида партиямиз XX с'ездининг Директиваларини бажариш блан боғлиқ бўлган жуда катта вазифалар турипти. Бу вазифалар Советларнинг э'тиборини хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет масалаларига жалб этишдан, халқ хўжалик планларини оғишмай амалга оширишдан, меҳнаткашларнинг маданий ва моддий даражасини янада юксалтиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда депутатларнинг роли айниқса каттадир. Бу соҳада район Советимизнинг кўпгина депутатлари бирмунча намунали ишлар қилмоқдалар.

Район Советининг депутатлари ўз сайловчилари блан доим алоқа қилиб турадилар, уларнинг талаблари ва наказларини бажариш учун курашадилар. Депутат сайловчиларга, оммага қанчалик яқин бўлса у, шунчалик халқ талабини, эҳтиёжини яхши билиши ва уларни амалга оширишда Советга амалий ёрдам бериши мумкинлигини тажриба яққол кўрсатмоқда.

Районимизнинг 124-нчи, 25-нчи, 13-нчи, 106-нчи ва 121-нчи сайлов округларининг сайловчилари район Советининг депутатлари У. Ғуломов, Е. Сирова, А. Василенко, А. Абдуқодиров ва М. Зиёмуҳамедова ўртоқларни жуда яхши танийдилар ва уларни ҳурмат қиладилар. Улар бевосита ўзлари ишлаётган корхона ва муассасаларда илғор кишилар бўлиш блан бирга, ўз депутатлик бурчларини бажаришга ҳам кўп вақт ажратмоқдалар. Сайловчиларнинг кўпчилиги ўз масалаларини ҳал этиш учун кўпинча шу депутатларга мурожаат қиладилар. Айниқса Абдуқодиров, Василенко ўртоқлар сайловчиларнинг талабини, сўзини ва шикоятини диққат блан тинглайдилар ва уларни тезда ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Район ижроия комитетининг а'зоси депутат Ё. Исамутдиновнинг иши айниқса диққатга сазовордир. Ўртоқ Исамутдинов ма'мурий доимий комиссиянинг раиси сифатида меҳнаткашларнинг турли талабларини қондиришда уларга ёрдам бермоқда. Ўртоқ Исамутдинов Кўрхўжаота кўчаси 84-нчи уйда турувчи А. Холмуҳамедованинг ер участкаси олиш тўғрисидаги аризасини ҳал этишда унга яқиндан ёрдам берди. Гвардиячи полковник Хўжаев кўчаси 114-нчи уйда яшовчи Н. М. Конупанова депутат Исамутдиновнинг қабулида бўлиб, ўз уйининг сифатсиз ремонт қилинганлигини айтди. Ўртоқ Конупанова уйини махсус комиссия бориб текширди. Ремонт вақтида уй эшиги тузатилмай қолдирилгани аниқланади. Кўрилган тадбирлар натижасида уйининг ремонтидаги ҳамма камчиликлар бартараф этилади.

Депутатлар фақат меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш блан чекланмайдилар. Улар шу блан биргаликда доимий комиссияларнинг ишларида ҳам актив иштирок этадилар, район Совети ва ижроия комитет ишини яхшилашга ёрдам берувчи кўпгина қимматли таклифлар киритадилар. Бу соҳада депутат В. А. Леонтьев раислик қилаётган уй-жой ва маиший доимий комиссия томонидан қилинаётган иш э'тиборга сазовордир.

Комиссия ўз ишини қат'ий план асосида олиб боради. Комиссия февральда бўлиб ўтган ўз йиғилишида район корхоналарида уй-жой фондининг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Масалани пухта тайёрлашга алоҳида э'тибор берилди. Комиссиянинг а'золари об'ектларни синчиклаб текшириб чиқдилар. Депутатлардан А. Миронов, Н. Кондрашина ва М. Кузнецова ўртоқлар 4-нчи ва 5-нчи ғишт заводи бошқармасида, пайпоқ-трикотаж фабрикасида, Узглавшвейтрикотажга қарашли 1-нчи заводда бўлдилар. Улар шу ташкилотларга қарашли уйларда яшовчи ишчи ва хизматчиларнинг уй шароити ва турмуши блан ҳартарафлама танишдилар.

Материални шу тарзда пухта тайёрлаш комиссия йиғилишида район корхоналари раҳбарларининг иштироки блан бу муҳим масаланинг чуқур муҳокама қилинишига ва меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш соҳасида амалий тадбирлар белгилаб чиқилишига имкон берди. Ҳозир бу комиссия ўз ташаббуси блан районда уй-жой қурилиши ва уй-жой фонди ремонтининг бориши ҳақидаги масалани район Совети сессияси муҳокамасига тайёрламоқда. Бу масалани сессияда муҳокама қилиш шу йилнинг иккинчи кварталига планлаштирилган.

Меҳнаткашларнинг талабларини амалга оширишда, районни обод қилишда депутатлардан М. Мавлонхўжаев ва М. Цаголов ўртоқлар ҳам бирмунча иш қилдилар.

Район Советининг депутати А. Каграмонов ишчилар шаҳарчаси меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқда. У ҳарбир хонадонда бўлади, ишчилар, уларнинг оила а'золари блан суҳбатлашади, эҳтиёж ва талаблари блан қизиқади. Ўз депутатлик бурчига садоқат блан қараётган, халқ хизматкори деган шарафли номни оқлаётган бундай депутатларни кўплаб кўриш мумкин. Район Советимизнинг ишчан депутатлари ижроия комитетнинг таянчи бўлиб қолди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ҳали айрим депутатларимиз ўзларининг шарафли бурчларига мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар.

Бунга мисол қилиб район Советининг 131 депутатидан 35 киши шу пайтгача ўз сайловчилари олдида ҳисобот бермаганликларини ва район Совети депутатлари — А. Литвиненко ва А. Асриев ўртоқларнинг фаолиятсизликларини кўрсатиш мумкин. Ўртоқ Литвиненко ўз сайловчиларидан ажралиб қолган ва ҳатто уларнинг қандай талаблари борлиги, қандай ишлаётганликлари ва яшаётганликларини билмайди ҳам. Улар сайловчининг наказларини бажариш ҳақида ҳечқандай амалий иш қилмадилар. Бунинг учун сайловчилар Литвиненко ва Асриев ўртоқларни кечираолмайдилар, албатта.

Ижроия комитет ўз ишини партия XX с'езди талаблари асосида қайта қуришга, депутатларга таянган ҳолда иш кўришга ва уларнинг меҳнаткашлар блан алоқасини янада мустаҳкамлашга алоҳида э'тибор бериб, бирқатор амалий тадбирлар белгилаб чиқди.

Маҳаллий Советлар ишидаги муваффақиятнинг гарови — депутатларнинг активлиги ва ишчанлигини ошириш, уларнинг омма блан алоқасини мустаҳкамлашдир. Шундагина Советлар ўз алоқасини халқ блан мустаҳкамлайолади, омманинг куч ва ғайратини партия томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга янада кўпроқ сафарбар этаолади.

Р. НУРУЛЛАЕВ,

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

К. УШИНСКИЙ. — «Эртаклар» (мактабгача ёшдаги болалар учун) 24 бет, тиражи 75.000, баҳоси 45 тийин.

Жуманиёз ЖАББОРОВ. — «Баҳор нафаси» (ше'рлар), 60 бет, тиражи 10.000, баҳоси 75 тийин.

А. Р. ШЧЕРБИНА. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати.— **«Катта майдонларда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш»,** 94 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 55 тийин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти рус тилида қуйидаги китобларни нашр этди:

В. И. ПЛАТОНОВ. — «Пути комплексного развития хлопковых совхозов Ферганской долины», 156 бет, тиражи 1000, баҳоси 8 сўм 80 тийин.

КОЛЛЕКТИВ. — «Материалы об'единенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период», 589 бет, тиражи 3000, баҳоси 32 сўм.

«Состояние хлопководства за рубежом» (обзор переводных работ). 56 бет, тиражи 650, баҳоси 2 сўм 10 тийин.

Традицион учрашув

Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 38-нчи «Известия» мактаби ўқувчиларининг шу мактабни тамомлаб, ҳозир турли корхоналарда ишлаётган ва олий ўқув юртларида та'лим олаётганлар блан традицион учрашуви бўлиб ўтди.

Мактаб директори ўртоқ А. Ғуломова учрашув кечасини очиб, шу мактаб собиқ ўқувчиларининг кўпи ҳозирда инженер, врач, ўқитувчи бўлиб ишлаётганликлари, бу йил мактабнинг 10-нчи синфини 112 ўғил-қиз битиражаги, уларнинг ҳозирданоқ касб танлаш ҳақида ўйлаётганликлари тўғрисида гапирди. Учрашувда шу мактабни илгари тамомлаб чиққанлардан кўп киши сўзга чиқди. Белинский номидаги кечки педагогика институтининг студенти Т. Абдуллаева, Тошкент фармацевтика институтининг студенти М. Тўлаганова ўртоқлар институтдаги ўқишлари, эгаллаётган мутахассисликлари ҳақида гапирдилар ва уларни шу даражага етказишда катта ҳисса қўшган мактаб ўқитувчилари коллективига самимий миннатдорчилик туйғуларини билдирдилар.

Мактабнинг 10-нчи синф ўқувчиларидан М. Аҳмедова, А. Са'дуллаева, С. Аҳмедовалар ҳам сўзга чиқдилар. Кеча охирида 10-нчи синф ўқувчилари ижросида Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмасидан парчалар кўрсатилди. Учрашув ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Д. АЮПОВА.

Қизиқарли суҳбат

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети факультетларида «Ёш совет кишисининг ма'навий қиёфаси» деган темада циклли суҳбатлар ўтказилмоқда. Филология факультетининг биринчи курс студентлари орасида «Дўстлик, ўртоқлик ва севги ҳақида» деган темада бўлган суҳбат жуда қизиқарли ўтди. Студентлардан М. Исломова, А. Отажонова, Э. Воҳидов ва Т. Солиховлар сўзга чиқиб дўстлик, ўртоқлик ҳақидаги фикрлари блан ўртоқлашдилар.

«Бахт ҳақида», «Оила ҳақида», «Сенинг бурчинг», «Мардлик ҳақида» темаларидаги суҳбатлар тарих, география, физика-математика ва биология факультетларида қизғин мунозаралар асосида ўтмоқда. Суҳбатларда комсомоллар актив иштирок этмоқдалар.

С. ҒАФУРОВ.

РЕПОРТАЖ

СУН'ИЙ ЧАРМ

Сун'ий ипак, капрон толаларидан ишланган буюмларни бугун ҳарерда учратамиз. Совет олимларининг ижодий изланишлари натижасида очилган вискоза, капрон ва бошқа хил толалардан тўқилган ипаклар, капрон буюмлари меҳнаткашларнинг рўзғорига тобора кенгроқ сингиб бормоқда, аҳолининг ипакли буюмларга бўлган талабини ма'лум даражада қондираётир.

М. Негодяева ва В. Гранина ўртоқлар пленка блан пахтани комплектлаётирлар.

Ма'лумки, чорвачилик маҳсулотларидан кўн-тери ишлаб чиқариш ҳали халқимизнинг эҳтиёжларини тўла равишда қондираолмаётир. Шунинг учун ҳам совет олимлари томонидан ишлаб чиқилган сун'ий чарм тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Ҳозир Москва яқинидаги Кунцев шаҳрида, Калинин ва Киев шаҳарларида сун'ий чарм ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Ўтган йили Тошкентдаги «Пласткож» заводидан 17 киши Калинин шаҳрига бориб, сун'ий чарм ишлаб чиқариш блан боғлиқ бўлган барча технологик процессларни ўзлаштириб келди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Енгил саноати министрлигига қарашли «Пласткож» заводида сун'ий чарм ишлаб чиқарувчи махсус цех янги машиналар блан ускуналаниб, ишга туширилди. Илгарилари Тошкентдаги эгар-жабдуқ-галантерия фабрикаси хомаш'ёни узоқдан — Калинин шаҳридан келтираётган бўлса, энди ўзига яқингина жойдан олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозир «Пласткож» заводи тайёрлаб бераётган сун'ий чармдан турли камарлар, ременлар, ҳархил сумкалар, кўзойнакларнинг ғилофлари ва бошқа хилма-хил галантерия буюмлари ишлаб чиқарилаётир. Сун'ий чарм ўзининг пишиқлиги, текислиги, нафислиги блан ажралиб туради. Ундан ишланаётган буюмлар аҳоли ўртасида кенг тарқалмоқда.

Биз сун'ий чарм тайёрлашнинг технологик процесси блан қизиқиб, цехни айландик. Смена бошлиғи ўртоқ Аврутина бизни уч бўлимдан иборат катта, кенг, ёруғ, озода бинога олиб кирди. Иш ўринларининг саранжомлиги, вальс, пресс, шкурка, мешалка каби машиналарининг тартибли жойлаштирилганлиги, моторларнинг зални ҳечқачон тарк этмайдиган гувуллашлари кишида аллақандай ёқимли хислар уйғотади.

— Бизнинг асосий хомаш'ёмиз, — дейди Эмилия Ароновна, — мана шу пленка ясайдиган хлоринсмола блан юқори сортли пахта. Бизда чиқинди деган нарса бўлмайди. Бордию маҳсулот бирон сабаб блан брак қилинса, уни қайта ишлаб тузатамиз.

Биз мешалка машинаси ёнида турли химиявий моддаларни мешалка машинасида қориштириб, пленка ясовчи масса тайёрлаётган Гарифуллин олдида тўхтадик. Ўртоқ Гарифуллин цехнинг илғор ишчиларидан бўлиб, ойлик топшириқларни 2—3 ҳисса бажариб келаётган экан. Сун'ий чармнинг асосий моддаси бўлган хлоринсмола массасининг ситати бўлиши, унинг обдон этилиб пишиши ўртоқ Гарифуллин бошқараётган машинанинг ишига боғлиқ экан. Асосий модда хлоринсмола, пластификатор асбутилфтолат, чармнинг юз қисмини мустаҳкам қилувчи каучук, массани пресслаганда вулканизация процессини вужудга келтирувчи олтингугурт ва каптакс каби моддаларнинг ўз ме'ёрида тушиши катта аҳамиятга эга. Ўртоқ Гарифуллин мешалканинг бачогига ма'лум пропорциядаги моддаларни солди-да, уни двигатель ёрдами блан айланиб турган ўққа ўрнатди. Қирқ беш минут ичида ҳалиги масса пишиб тайёр бўлди. Кейин уни ўртоқ Собир Пўлатов ишлаб турган вальс машинасига олиб келиб берди. Машина массани ишлаб, пленка қилиб чиқарабошлади. Кунлик топшириқни икки-икки ярим марта ошириб бажараётган Собир Пўлатов пленкаларнинг стандартда белгиланган формат қалинликда бўлишига жиддий э'тибор бераётир.

Вальсовщик Пўлатов станогида тайёрланган плиталар бўяш учун ўртоқ Хожи Ғафуров ишлаётган жойга юборилади.

Вальцевшчик ўртоқ **С. Пўлатов** пленка калибрини аниқламоқда.

Ўртоқ Ғафуров пленкаларни ёйди, уларга сун'ий чармни ялтироқ ва чидамли қиладиган полиамид деган химик состав эритмасини пульвиризатор блан пуркайди, сўнг пленкани орасидан иссиқ газ ўтказилган стол устига ёйиб қуритади. Ишловдан чиққан пленкалар комплектлаш бўлимига келтирилади. Бу ерда икки қабат пленка орасига тахта-тахта қилинган беш қабат пахта қўйилиб пресс машиналарига узатилади. Цехнинг илғор прессчи ишчиси ўртоқ Тўхтамурод Нажимов комплектланган пахта ва пленкаларни пресс машиналарига жойлаб қўйди. Пресс машинанинг атмосфера босимини кўрсатучи стрелка секин-аста, 25, 50, 100, 200 ва ундан ортиқ рақамларини кўрсатиб борди. Мана иссиқлиқни кўрсатучи стрелка 150 градусни кўрсатди. Иссиқлиқ яна ошаётир. Иссиқлиқ 170 градусга, атмосфера босими 300 га етди. Бу вақтда комплектланган пахта ва хлоринсмола пленкаси орасида жуда мураккаб реакциялар бўлади, пахта химиёвий элементларни шимади, қисилади. Ўз касбининг моҳири, илғор ишчи ўртоқ Нажимов соатига қарайди, вақт бўлди: — 15 минут 250—300 атмосфера босим берилди. Энди унга сув берилади, совутилади. Яна бирнеча минутдан сўнг комплектлар пресс машинасидан олинади. Чарм асосан тайёр! Лекин ҳали ишнинг чаласи бор. Тайёр маҳсулот пардозланиш, юмшатиш машиналарида ишланади, сўнг упаковка қилиб, тегишли ташкилотларга жўнатилади.

Смена бошлиғи ўртоқ Аврутина:

— Ҳозир бизнинг маҳсулотимиз Ўрта Осиё республикаларидаги кўпгина корхоналарга жўнатилаётир, улардан яхши баҳо олаётирмиз, — дейди.

Сун'ий чармнинг перспективалари катта. Завод лабораториясида сун'ий чармни пойафзалларга бошлиқ сифатида фойдаланиш учун қулай ҳолга келтириш устидаги ишлар муваффақиятли ҳал қилинди. Ҳозир сун'ий чармни ҳаво ўтиши учун ҳақиқий чармда бўладиган жуда кичик-кичик тешикчалар блан тайёрлашга киришилди. Бундай сун'ий чармдан оёқ кийимлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Сун'ий чарм цехи заводнинг энг ёш цехи. Шунинг учун ҳам ундаги камчиликлар кўзга яққол ташланади. Ҳозир цехда учта катта мешалка машиналари ишлатилмай ётибди. Вальс машинасига пленканинг қалинлигини аниқ қилиб ишлайдиган каландрни ускуналаш зарур. Ўртоқ Ғафуров ишлайдиган жойга вентилятор, эритма тайёрлайдиган ванна, пленкани қуритиш учун ичидан газ ўтказилган яна бир стол ясаш керак. Вентилятор ишчининг соғлиғини сақлаш учун, эритма ваннаси ишнинг тез ва сифатли бажарилиб туриши учун зарур бўлса, ичидан газ ўтказилган яна бир стол ишнинг тез бориши учун керак. Бу камчиликлар тезда тузатилиши лозим. Чунки ўртоқ Ғафуров участкаси сун'ий чарм ишлаш конвейеридаги энг муҳим звенолардан биридир.

Завод ма'мурияти бу камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўриши лозим. Чунки сун'ий чармга бўлган талаб, унинг перспективаси шуни тақозо қилади.

Завод директори ўртоқ Маҳмудов:

— Сун'ий чарм ишлаб чиқаришга Партия ва Ҳукуматимиз катта аҳамият бераётирлар. Тез орада сун'ий чарм ишлаб чиқариш ҳеч бўлмаганда 10 марта кўпайиши керак, — дейди.

Тўғри гап. Ана шунга эришиш учун завод ма'мурияти дастлаб мавжуд машиналардан унумли фойдаланиш, камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашмоғи керак.

Прессовщиклардан **Т. Нажимов** ва **А. Примқулов** ўртоқлар прессдан чиққан сун'ий чармни кўздан кечираётирлар.

В. Салов фотолари.

М. ЯҲ'ЁЕВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Мирзачўл дафтари" ҳақида

«Шарқ юлдузи» журналининг 1955 йил 11 ва 12-нчи сонларида С. Акбарийнинг «Мирзачўл дафтари» сарлавҳали поэмаси босилган. Бу поэма шоирнинг йирик поэтик асарлар яратиш устидаги ижодий уринишларининг дастлабки меваси бўлиб, актуал темага, Мирзачўлнинг бўз ва қўриқ ерларини ўзлаштириш темасига бағишланган. Автор сувсиз, қақраган дашт-биёбонларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун меҳнат қилаётган ўзбек колхозчиларининг ҳаётини, турмушини кўрсатиш орқали совет кишисининг характеридаги ижобий хусусиятларни очиб беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Поэмадаги айрим парчалар ҳақиқий шоирона эҳтирос ва кучли ҳаяжон блан ёзилган. Бундай парчаларда фикр ва ҳис узвий боғланиб, ўқувчига сезиларли эмоционал та'сир кўрсатади, унинг бадиий завқини қўзғайди. Шунингдек поэмадаги кўпгина пейзажларда табиат картиналари аниқ ва ранг-баранг бўёқларда тасвирланган. Шоир қишлоқ картинасининг жуда характерли детальларини кўраолган ва уларни оригинал образларда ифодалайолган (шамолнинг водига беҳи ҳидини тарқатиши, чумчуқларнинг терак учидаги ёзлик чайласини тарк этиши ва ҳоказолар). Бундай конкрет пейзажлар ўқувчида жонажон ўлкага нисбатан муҳаббат уйғотишда ва унинг эстетик дидини тарбиялашда ма'лум қийматга эга.

Поэмада шоирнинг ше'рий техникани эгаллаганини, ўзбек тили бойликлари блан яхши ошно эканлигини ҳам кўриш мумкин.

Аммо бу ижобий томонлар ҳали поэма ҳақиқий бадиий асар даражасига кўтарилган деб хулоса чиқаришимизга асос бермайди. Шоир поэмада ўз олдига қўйган поэтик мақсадни тўғри ва мукаммал ҳал қилиб берган эмас. Биз поэмада совет кишиларининг тўлақонли типик характерларини кўрмаймиз. Поэманинг қаҳрамонлари ўқувчининг муҳаббатини қозониш уёқда турсин, ҳатто ўзларига нисбатан жиндаккина қизиқиш ёки хайрихоҳлик ҳам уйғотмайди.

Поэманинг муваффақиятсиз чиққанига дастлабки сабаб шундаки, автор ўз асарини поэма деб ёзишга киришар экан, бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларини э'тиборга олмаган, поэманинг воқиали узун ше'рдан фарқи нимада эканини ўйлаб кўрмаган. Ма'лумки, поэма асосан ижобий қаҳрамон ҳақидаги асар бўлиб, унинг ҳаётидаги энг муҳим, энг ёрқин, энг юксак моментни акс эттиради. Поэмада ижобий қаҳрамоннинг характери биринчи планда туриши, ёрқин ва йирик характер сифатида намоён бўлиши керак. Бундай характер эса бизнинг давримизда, шубҳасиз катта ва аҳамиятли иш процессида, янгилик учун, эскиликка қарши кураш тўлқинларида намоён бўлади, шаклланади. С. Акбарийнинг поэмасида биз буларнинг ҳечқайсисини кўрмаймиз. Поэманинг қаҳрамони Чиннихон. Унинг ҳақида нима дейиш мумкин? У, Москвада ўқиган. Колхозга қайтиб келиб қандайдир ишда ишлайди (агроном деб тахмин қилиш мумкин). Чиннихоннинг колхозга келиб қилган иши шундан иборатки, мажлисда раисни танқид қилади, кейин агротехника курсида илдизни айтиб беради, ҳиндистонли меҳмонлар блан суҳбатлашиб, уларга биографиясини ҳикоя қилади, ниҳоят тракторчи ҳайдаган ерни ўлчайди.

Чиннихоннинг ишлари уни поэманинг ижобий қаҳрамони қилиш учун асос бермайди, албатта. Чунки бир-бирини тақозо қилмайдиган, мантиқий ва зарурий ички алоқадан маҳрум бўлган бу воқиалар ҳали адабий факт даражасига кўтарилмаган, я'ни айрим фактлар остида ётган ҳаётий мазмун очилмай қолган. Натижада бу айрим ва оддий фактлар орқали қаҳрамоннинг характерини бериш мумкин бўлмай қолган. Биз бу ўринда фавқулодда қаҳрамонлар образини яратишни талаб қилаётганимиз йўқ. Биз шуни талаб қилмоқдамизки, шоир поэмада кундалик воқиаларни, фактларни шунчаки оддийгина қайд қилиб қўяқолмасдан, уларнинг мазмунини очсин, меҳнат поэзиясини кўрсатсин. Шундагина Чиннихоннинг кундалик оддий меҳнати чуқур ма'но касб этади.

Поэмада яна 10 тача персонаж бор, аммо уларнинг ҳечқайсиси ўз қиёфасига эга эмас. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Булардан Марина, Наргиз, Вера, Шербобо, Сергей Павлович, бригадир, биринчи ва иккинчи кампир ва бошқалар эпизодик образлар сифатида поэмага киритилган, ёки иллюстратив характерга эга холос, ёхуд улар ҳечқандай реал ғоявий эмоционал функцияга эга эмас. Поэмадаги воқиаларда озми-кўпми ўз ўрнига эга бўлган бошқа образлар ҳам юқоридагилардан муваффақиятлироқ чиққан эмас. Масалан, райком секретарининг образини олайлик. У, поэмада икки марта кўринади. Биринчи марта ўз кабинетида Чиннихоннинг ўқишга боришини ма'қуллайди. Иккинчи марта эса колхознинг ҳисобот йиғилишига келиб қисқа нутқ сўзлайди:

— Эр қаноти отдир, бу ҳақда
Бахшиларнинг та'рифи создир.
Халқимизнинг бойлиги пахта,
Пахта блан баландпарвоздир.
Раисингиз унутди шуни.
Кўш-кўш орден, иззату-икром,
Фахрий ёрлиқ, олқиш, махтов, ном,
Керилтирди, гангитди уни.

Бу сўзлар ишни, аҳволни конкрет билмай туриб, умуман раҳбарлик қилучи ба'зи раҳбар ходимларнинг нутқи учун типик мисол бўлади. Поэмада шоир мана шу мавҳум нутқни бериш орқали райком секретарининг ижобий образини яратмоқчи бўлган. Аммо райком секретари поэмага зўрма-зўраки киритилган, у бирон воқианинг ривожида иштирок этмайди, бирон қаҳрамоннинг тақдирига сезиларли та'сир кўрсатмайди.

Авторнинг фикрича, поэмадаги марказий образлардан бири Нор раис образи бўлиши керак эди. Автор Нор раис образи орқали аввал илғор ва меҳнатсевар бўлиб, кейин ютуқлардан эсанкираб салбийлашган, ниҳоят, кўпчиликнинг тарбия-та'сири блан тузаладиган кишиларни тасвирлашга интилади. Аммо бу образ поэмада ёрқин тасвирланмаган. Ўқувчи унинг салбийлигини ҳам, ижобийлигини ҳам билмайди. Чунки Нор раис поэмада ҳаракат қилмайди, воқиаларда иштирок этмайди. Унинг номи бор-у, ўзи йўқ. Биринчи марта раисни кеч куз палласи қаердандир отда келаётган ҳолда учратамиз. Кейин раиснинг ҳечнарсадан-ҳечнарса йўқ, бир вақтлар Чиннихоннинг ўқишига розилиқ бермагани ма'лум бўлади. Бошқаларнинг айтишича, у махтанчоқ, кайф-сафога берилган, лекин шундай бўлса-да, колхоз планини 99 процент бажаради.

Планни бажаручи, лекин айш-ишратга берилган, халқ манфаатларини ўйламайдиган раислар ҳам бор. Уларни фош қилиш адабиётимизнинг муҳим вазифаси. Аммо адабиётда фош қилиш қуруқ сўкиш, асоссиз ёмонлаш, қарғаш блан бўлмайди. Салбий образни фош этиш учун уни ҳам ижобий қаҳрамон сингари тўлақонли, жонли, ёрқин, конкрет тасвирлаш керак. Бунинг учун эса салбий ва ижобий қаҳрамонлар ўртасидаги тўқинишни муҳим ҳаётий конфликт асосида кўрсатиш керак. Афсуски, бизда кўп шоирлар, шу жумладан С. Акбарий ҳам реал ҳаётий қарама-қаршиликларни тасвирлашга иймaниб, қаҳрамонлар ўртасидаги тўқинишни кўпинча уларнинг психологик тафовутлари асосига қуришади. Кўп асарларда ижобий қаҳрамон тўғри сўзли бўлади-ю, салбий қаҳрамоннинг сиркаси сув кўтармайди, кўнглига ёқмаган гапни эшитиш блан амалингни ол, деб зарда қилишга тушади. Шу заминда тўқиниш юзага келиб, охири ҳечким енгмайди ҳам, енгилмайди ҳам, тинчгина ярашиш блан ҳамма мурод-мақсадига етади. Тўғри, ба'зан ҳаётий камчиликларнинг ривожланишига ва ечилишига характерларнинг турлича бўлиши, темпераментлардаги фарқ ҳам та'сир этади. Аммо шоир масаланинг фақат шу томони блан чекланиб, ҳодисаларнинг ичига чуқурроқ киришга интилмаса, муваффақиятсизликка учраши табиий.

Поэманинг сюжети ва композицияси бўш ишланган. Яхлит воқианинг йўқлиги қисмларнинг сочилиб кетишига, тарқоқ бўлишига олиб келган. Поэма қишлоқ хўжалигида турли фаслларда олиб бориладиган ишларга монанд қисмларга бўлинган. Бу жиҳатдан у «Қизлар», «Яшил қишлоқ», «Катта йўлда» каби поэмаларнинг сюжет схемасини такрорлашдан нарига ўтмаган. Аммо бу поэмаларга хос бўлган яхлитлик, образлар системасини муайян воқиа атрофида уюштириш каби хусусиятлар «Мирзачўл дафтари»да йўқ. Поэма етти бобдан иборат бўлиб, 22 саҳифани эгаллаган, аммо унга бемалол 5—6 боб қўшиб, Чиннихоннинг Москвадаги ўқишини ҳам, кейинги йили пахтадан қандай ҳосил олганини ҳам баён қилиш ёки ҳинд делегацияси каби бобларни, поэманинг сўнгидаги биринчи ва иккинчи кампирларнинг суҳбати каби парчаларни тушириб қолдирса ҳам бўлаберади. Чунки поэмада композицион туғаллик йўқ, воқиалар тарқоқ. Улар яхлит бир ғоя атрофига уйғунлашмаган.

Поэмадаги айрим эпизодлар деярли ҳамавақт мустақил қийматга эга бўлиб қолган. Бу эпизодларнинг ҳечқайсида биз қаҳрамонлар характерининг ўсиб борганини кўрмаймиз. Умуман поэмада мумкин қадар кўпроқ проблемаларни қамраб олишга интилиш бор. Поэмада автор СССР халқлари ўртасидаги дўстликни ҳам, ҳинд-совет дўстлигини ҳам, фидокорона ижодий меҳнат проблемасини ҳам, қишлоқ хўжалигида партиянинг ролини ҳам, самимий муҳаббат масаласини ҳам, эскилик сарқитларига қарши курашни ҳам акс эттирмоқчи бўлган. Ҳаётни акс эттиришда бундай ҳартомонламаликка интилиш роман ёки повесть каби йирик эпик полотналар яратишда жуда ўринли. Броқ ҳажм жиҳатидан чекланган, имкониятлари эса шубҳасиз романникидан кам бўлган поэмада мумкин қадар камроқ проблемалар олиб, шу олинган проблемани ҳартомонлама тўла, мукаммал ва чуқур ҳал қилиш ма'қулроқдир. Акс ҳолда «Мирзачўл дафтари»да кўрганимиз каби, ҳамма масалалар бир шингил-бир шингил тилга олинади-ю, лекин биронтаси ҳам тўла ечилмайди. Бу эса ҳаётимизни камбағаллаштиришга сабаб бўлади.

Фикримизнинг исботи учун С. Акбарий поэмасида муҳаббат масаласи қандай ҳал қилинганини эслайлик. Чиннихон блан тракторчи Тош бир-бирини севишади. Аммо уларнинг севгисида эҳтирос, жонлилик, олов, хуллас ҳаётда икки ёш қалб ўртасида туғиладиган самимий муҳаббатга хос бўлган белгиларнинг биронтаси ҳам йўқ. Уларнинг бир-бирларига айтган гапларида на илиқлик, на муҳаббат оловида қовурилган қалбнинг ҳарорати бор. Уларнинг суҳбатидан муҳаббатнинг самимийлиги, гўзаллиги билиниб турмайди.

Йигит сўрар:
— Кўзлари хумор,
Жоним десам майлими сизни?
— Билардим-а шўхлигингизни.
Ёқадими сизга шу рўмол...

Мана шундай шаблон мисра'лар орқали совет ёшларининг муҳаббатини очиш мутлақо мумкин эмас.

Юқорида ше'рий техника ва тил жиҳатидан поэманинг дуруст эканини кўрсатдик. Аммо бу поэманинг тили ноаниқликдан, вазни номусиқийликдан тамомила холи деган ма'нони билдирмайди. Ба'зи ўринлардан ритм бузилган. Масалан:

Ташқарида Кремль уфққа
Нур таратиб яшнаб ётарди

Яна:

Сеҳрли қўл тонг чизиғини
Уфқда тортиб қўяр оҳиста

Ба'зи ўринларда сун'ий иборалар, чигал ва мазмунан саёз бандлар ҳам учраб қолади:

Дипломли курс, энг охирги курс
Етуклигин нишонламоқчи.

Дипломли курс сун'ий.

Агротехкурс.
Машғулот пайти.
Чинни берар илдизни айтиб.

Бу ердаги инверсия жумлани сун'ийлаштириб юборган.

Юқоридаги мулоҳазаларни якунлаганда, поэмада замондошларимизнинг характери ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топаолмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Поэмани ўқиб, ҳозирги социалистик қишлоқ кишилари ҳақидаги тасаввуримиз, колхоз ҳаёти тўғрисидаги билимимиз бойимайди. Шунингдек, поэма ўзбек поэзиясидаги шу темада ёзилган бошқа кўпгина асарлар қаторига муҳим янгилик бўлиб қўшилмайди. Шоир ўз поэмасини совет кишисининг қаҳрамонона меҳнати ва ажойиб ҳаётига муносиб асар даражасига кўтариш учун ҳали қунт ва чидам блан кўп ишлаши керак.

О. ШАРАФУДДИНОВ.

филология фанлари кандидати.

Пахта далаларида 1 Май шарафига социалистик мусобақани кучайтирайлик!

☆

Илғор бригадада

Абдикарим ака Суюнов бошчилик қилаётган бригада Пискент районидаги Ворошилов номли колхознинг энг илғор бригадаси ҳисобланади. Бригаданинг меҳнатсевар а'золари пахтадан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, барча колхоз а'золарининг ҳурматларига сазовор бўлаётирлар. Улар ўтган йили янги, прогрессив усулни дадиллик блан қўлланиб, мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришган эдилар. Чигит экишда янги усулнинг қўлланилиши ҳосилни бир йил ичида ҳар гектарига 5,5 центнердан ошириш имкониятини берди.

Квадрат-уялаб чигит экишнинг афзаллигини ўз тажрибаларида синаб кўрган бригада а'золари бу йил мавжуд пахта майдонларининг ҳаммасига чигитни 60×45 схемасида экишга қарор қилдилар. Улар 1000 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғардилар. Кузда шудгорлаб қўйилган 110 гектар пахта майдони маҳаллий ўғит сочилиб, бороналанди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, уват ва марзалар текисланди. Карталар яхлитлаштирилди.

Бригада а'золари шу кунларда ерларнинг қатқалоқ бўлмаслиги учун курашиб, қўшимча равишда маҳаллий ўғит жамғармоқдалар. Улар бу йил мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирлар.

А. ТОЖИДДИНОВ,
Д. СОДИҚОВ.

35 центнер учун

Октябрь районидаги «Сталинчи» колхозининг энг илғор бригадасига комсомол а'зоси ўртоқ Қамбар Акбаров раҳбарлик қилади. Бригада а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли пахтадан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар.

Бригада а'золари олтинчи бешйилликнинг биринчи йили планини тўла ва ошириб бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун ғайрат блан меҳнат қилаётирлар. Улар 52 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ҳосил топшириш мақсадида кўклам дала ишларига барвақт киришиб, 250 тонна ўрнига 300 тонна маҳаллий ўғит жамғардилар. Ўғитларни далага ташиб чиқаришда У. Юрсунбоев, К. Сотиболдиев, Ж. Омонбоев ўртоқлар сингари аравакашлар ғайрат блан ишламоқдалар. Бригада ариқ-зовурларни тозалаш ишларини ҳам муддатидан илгари сифатли қилиб тугаллади. Баланд-паст ерлар, марзалар текисланиб, карталар йириклаштирилди. Ерлар маҳаллий ўғит сочилиб, ўз вақтида бороналанди. Бу ишларни амалга ошириш учун бошланган ўзаро социалистик мусобақада ўртоқ Жўрақул Омонбоев бошлиқ звено а'золари олдинда бормоқдалар. Звено а'золари 18 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилганлар.

Бригаданинг звено бошлиқлари, тажрибали пахтакорлари колхоз агрономи блан биргаликда СоюзНИХИда чигитни квадрат-уялаб экишни 4 марта тажриба қилиб кўрдилар. Шунингдек улар бу йил 13 гектар ерга картошка ва сабзавот экишни планлаштирган эдилар. Тажрибали сабзавотчилар ташаббуси блан эртаги сабзавот экинлари экиб бўлинди.

Бригада а'золари чигитни белгиланган муддатда сифатли экиб, уни ёппасига текис ундириб олиш мақсадида дала ишларини қизғин давом этдирмоқдалар.

С. НУ'МОНОВ.

☆ ☆ ☆ ☆

Экишга пухта тайёрлик блан киришиш учун

Бекобод районидаги 2-нчи «Далварзин» совхозининг ишчи-хизматчилари ҳамда механизаторлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун дала ишларини намунали олиб бормоқдалар.

КПСС XX с'ездининг тарихий қарорларидан руҳланган совхоз ишчилари бу йил 1750 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанимизга 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган эдилар.

Совхозда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари пухта уюштирилди. Барча пахта майдонлари барвақт ва сифатли ҳайдалди. Квадрат-уялаб чигит экиладиган майдонлар ер қазучи отряд механизаторлари ёрдами блан планировка қилинди. 245 гектар ернинг шўри ювилиб, ўғитланиб ҳайдалди. 42 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилиб, ариқ-зовурлар деярли тозаланиб қўйилди. Далага 2000 тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқарилиб, минерал ўғитлар складларга ташиб олинди.

Совхозда барча механизм ва қишлоқ хўжалик асбоблари тўлиқ ремонтдан чиқарилган. 25 дан ортиқ ҳайдов трактори ва 3 та «универсал» трактори далаларда ишлаб турипти. 35 сеялкадан 33 таси, 17 плуг экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилди, 639 та борона ремонтдан чиқарилди, ҳозир улардан кенг фойдаланилмоқда.

Квадрат-уялаб чигит экиш сеялкаларида ишлаш учун 18 агрегатга 126 киши бириктириб қўйилди. Гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган ўртоқ Холмирзаев бошлиқ бўлимда 350 гектар ер экишга сифатли қилиб тайёрлаб қўйилди.

Шунингдек совхознинг 1-нчи бўлимидаги А. Саримсоқов, 3-нчи бўлимидаги Х. Кенжаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ишчилари ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, пахта майдонларини сифатли ҳайдовдан чиқардилар ва бороналаб қўйдилар.

Шу кунларда совхоз далаларида ишлар социалистик мусобақа асосида уюштирилган. Кўпчилик майдонларда экишга тайёргарлик кўришнинг охирги ишлари бажарилмоқда. 2300 гектар ер бороналанди, айрим карталар иккинчи марта борона қилинмоқда. Бу эса ер намини сақлаш ва кесакли ерларни экишга тайёрлашга ёрдам беради. Айрим карталарда ерларни юмшатиш ва ёввойи ўтларни жойида йўқотиш тадбирлари ҳам кўрилиб, 400 гектарга яқин ер чизель қилинди.

Дала ишларида совхоз механизаторлари айниқса зўр ташаббус блан ишламоқдалар. Ўртоқ Усмон Халилов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Универсалчи Б. Билялов кунлик бороналаш нормасини 1,5—2 ҳисса адо этиб, мусобақада олдинги сафда бормоқда.

Совхозда ана шундай тадбирлар амалга оширилиб, чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олиш учун барча зарур тадбирлар кўрилаётир.

Қ. САРИМСОҚОВ,
А. АБДУРАИМОВ.

Қарор кўп, амалий иш кам

...Кабинетда колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари, МТС директорлари, агрономлар ва районнинг бошқа раҳбар ходимлари ўтирибдилар. Бу галги мажлисда ҳам колхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Мажлисда «Меҳнат бирлиги» колхозининг раиси ўртоқ Холиқов блан қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтди:

— Чигит экишга қачон киришасиз?

— Об-ҳаво яхшиланиб кетса, экишни дарҳол бошлаб юборамиз.

— Неча гектар ер тайёрланди?

— Ҳали бир гектар ҳам ер тайёрлаганимиз йўқ...

Ленин номли колхоз раиси ўртоқ Шегай эса берилган саволларга: «айтаолмайман, чунки ер тайёр эмас. Ҳали 100 гектар ер ҳайдалгани йўқ, 3 та гусеницали трактор керак. МТС трактор блан та'минламаётир. Ерни тайёрлаб улгурсак, экишга киришамиз» деб жавоб қилди...

Кўриниб турибдики, районда кўклам экишига тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек эмас.

Яна бирнеча кундан кейин чигит экиш оммавий равишда бошланади. Қисқа вақт ичида тайёргарлик ишларини тугаллаб, чигит экишни шайланиб, пухта тайёргарлик блан бошлаш зарур. Аммо Юқоричирчиқ районининг колхозларида чигит экишга тайёргарлик ғоят кечиктирилаётир. Экишдан олдин бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳамон тугалланган эмас, бугунги иш эртага қолдирилмоқда.

«Меҳнат бирлиги» колхозида ўтган йил ҳам экиш жуда кечиктирилди. Чигит ердан текис ундириб олинмади. Натижада пахта ҳосили жуда камайиб кетди. Колхоз правлениеси ўтган йилги камчиликлардан жиддий хулоса чиқариб, бу йил кўклам экишига пухта тайёргарлик кўриши керак эди, броқ шундай қилинмаётир.

Колхоз бу йил 600 гектар ерга чигит экади. Колхоз раиси Холиқов, партия ташкилотининг секретари Ғойибов ўртоқлар вақт ўтиб кетаётганига қарамай, дала ишларининг ўтказилишига бепарво қараётирлар. Колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Колхоз раҳбарлари меҳнатга яроқли колхозчиларни дала ишларига сафарбар этмай, оз киши ишлаётгани ҳолда, «260 киши ишлаётир» деб қалбаки сводка тузиб, кўзбўямачилик қилмоқдалар.

Колхозда 1-нчи МТСнинг иккита трактор бригадаси бор. Аммо техника кучидан унумсиз фойдаланилмоқда, чунки колхозга юборилган ҳайдов тракторлари сифатсиз ремонт қилинган. Колхоздаги 5 трактордан фақат биттаси ишламоқда, бу ҳам кунлик нормасини бажармайди. МТС бош агрономи ўртоқ Терещенко камчиликларни бартараф қилиш учун колхозга борди. Лекин у ҳеч қандай ёрдам бермай 2 соатча бўлиб, яна МТС га қайтиб кетди.

«Меҳнат бирлиги» колхози 250 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиши керак. Колхозда ерлар ажратиш ва қозиқлар қоқиш ҳануз тугалланмаган, бунинг устига колхоз раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экишни камайтиришга уринаётирлар. Илғор ва юқори ҳосилли «Ленинизм» колхозида ҳам шундай кайфият юз бермоқда. Колхоз раиси ўртоқ Тожибоев «колхозимизда имконият йўқ», деб квадрат-уялаб экиш учун 215 гектар ўрнига 135 гектар ер ажратдирган. Сталин номли колхоз раҳбарлари ҳам иккиланиб юрипшибди.

Каноп чигит блан бир вақтда экилиши керак. Бу иш ҳам пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Аммо райондаги каноп-жут экадиган колхозларда ҳам тайёргарлик талабга мутлақо жавоб бермайди. 2-нчи МТС зонасидаги Молотов номли колхозда энди 40 гектар ер тайёрланган. Карл Маркс номли, Ворошилов номли, Куйбишев номли ва бошқа колхозларда ҳам каноп экишга тайёргарлик ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Қорасув, Чирчиқ қирғоқларини мустаҳкамлаш тугалланган эмас. «Ленинизм» колхози топшириқни жуда ёмон бажармоқда.

Ерларни бороналаш, текислаб экишга тайёрлаш ҳам кечикаётир. Бу йил ернинг нами етарли эмаслиги барча колхоз раҳбарларига ма'лум. Шунга қарамасдан улар бороналашни бошламай, «яна ёмғир ёғади, ҳозир бороналашнинг ҳожати йўқ» деб бу муҳим тадбирни пайсалга солмоқдалар.

Юқоричирчиқ районида кўклам экишига тайёргарликни тезлаштириш юзасидан кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда, Аммо белгиланган тадбирлар амалга оширилмай қолаётир. Бу ҳол давом этаберса район колхозларида чигит ва каноп экишнинг кечикишига сабаб бўлиши турган гап. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз раислари барча тайёргарлик ишларини тезда тугаллаб, чигит, каноп экишни уюшқоқлик блан бошлашлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди

Сирдар'ё районининг илғор колхозлари чигит экиш кампаниясини ҳартарафлама пухта тайёргарлик блан кутиб олаётирлар. Райondаги йирик колхозлардан ҳисобланган Тарас Шевченко номли колхознинг а'золари майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, 650 гектар пахта майдонини ҳайдаб қўйдилар. Ариқ-зовурлар белгиланган муддатдан анча илгари тозаланиб, баланд-паст ерлар текисланди. Мўл ҳосил гарови бўлган маҳаллий ўғит жамғариш яхши йўлга қўйилган. Далаларга 1700 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Давлат томонидан берилган 500 тоннадан ортиқ минерал ўғит ташиб олинди. Пахта майдонларини бороналашдан олдин самолётлар ёрдами блан суперфосфат сепилди.

Колхоз а'золари бу йил барча пахта майдонларига чигитни янги, прогрессив усулда квадрат-уялаб экиш мақсадида баланд-паст ерларни текисладилар, карталарни йириклаштирдилар. Шунингдек райондаги Охунбобоев номли, Хрушчев номли, Каганович номли, «Коммунизм» ҳамда «Ҳақиқат» колхозларининг фидокор а'золари ҳам кўклам экиш кампаниясини ҳартарафлама пухта тайёргарлик блан кутиб олиш мақсадида дала ишларини ҳарқачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар.

М. ЙЎЛДОШЕВ, З. РАҲМОНОВ, С. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Қ. ҚУРБОНБОЕВ, Ч. ИЛ'ЁСОВ, Н. САИДОВ, Т. ХАЙДАРОВ.

Улуғ инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Отелло» трагедияси кўпйиллар давомида мамлакатимиз театри саҳналарида муваффақият блан қўйилиб келинмоқда. Отелло ролини ижро этган Остужев, Мордвинов, Хорава, Папазян, Ҳидоятов, Қосимов, Қулмамедов каби отоқли совет артистларининг номлари мамлакатимиз тамошабинларига яхши таниш. Улар Отелло образини муваффақиятли яратиш блан шекспиршуносликка янги-янги саҳифалар киритдилар. Бу моҳир сан'аткорлар ижросида Шекспир трагедиясининг моҳияти аввало рашк фожиасидан иборат бўлмай, балки алданганлик фожиасидан иборат эканлигини яққол очиб берилган.

СССР халқ артисти С. Бондарчук ҳам фильмдаги Отелло образини тўғри талқин қилиб, ўз қаҳрамонини саркарда ёки мутафаккир қилиб яратмасдан балки унинг оддий кишига хос юксак инсоний ҳис-туйғусини тамошабинларга етказаолган. Отелло образини ижро этган машҳур совет артистлари сингари С. Бондарчукка ҳам А. С. Пушкиннинг **«Отелло табиатан рашк қилучи бўлмай аксинча у ишонучи киши»** деган сўзлари Отелло образини тўғри талқин қилишга ёрдам берган.

Пушкин Отеллодаги ҳис-туйғуларни табиатан содда эканлигини кўрсатиб ўтган. Агар Отелло табиатан рашк қилучи киши бўлса эди ўз мақсадига эришиш йўлида киши қалбини секин-асталик блан ўзига бўйсундириб, моҳирлик блан унинг қалбига кираолган ақилли ва маккор Ягонинг ҳам кераги йўқ эди.

Шекспир ўз трагедиясида Отелло ва Дездемона ўртасидаги алангали муҳаббатни акс этдирди. Броқ Отелло ҳам, Дездемона ҳам ўзлари яшашга мажбур бўлган жамиятда бахтга муяссар бўлаолмайдилар. Уларнинг йўлида Яго ғов бўлиб туради. Отелло ва Дездемонанинг ҳаёти йўлида Ягонинг ғов бўлиб туриши тасодифий ҳол эмас эди. Чунки капитализм эндигина туғилиб келаётган бир даврда ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳарқандай жиноятни қилишга тайёр турган ўғри, муттаҳам, иккиюзламачи, қаллоблар вужудга келабошлаган эди. Яго Отелло ва Дездемонани — икки ажойиб табиатли кишини ҳалокатга олиб келган. У ёвуз тузумнинг вакилидир. Ўша давр, ўша тузум Яго мисолида мужассамлантирилган.

Постановкачи С. Юткевич ўша даврдаги ана шу даҳшатли муҳитни ҳаққоний кўрсатиш йўли блан трагедиянинг асосий темасини Отеллонинг юксак инсонийлигини Ягонинг ғоят тубанлигига қарама-қарши қўйиш темасини моҳирлик блан талқин қилаолган.

Фильм воқиаларининг ривожланиб бориш процессида Отелло ва Яго образлари, шунингдек, бошқа воқиалар борган сари чуқур ва атрофлича очиб берилади. Постановкачининг ютуғи ҳам шунда.

Фильмнинг кетма-кет ўтиб бораётган кадрларида катта қалб эгаси бўлган ажойиб кишининг гўзаллиги ва олийжаноблигини гавдалантиручи Отелло — Бондарчук намоён бўлади. У сенатга ўзининг походлари, жанглари ва бошдан кечирган азоб-уқубатларини хотиржамлик блан поэтик тарзда ҳикоя қилиб беради. Гарчи Отелло — Бондарчук қоратанли бўлса ҳам, у ўзининг дун'ёқараши, улуғворлиги блан венецияли сенаторлардан ажралиб туради. Чунки у зўр ирода эгаси, мард ҳамда гўзал ва пок қалбли киши. Бондарчук фильмнинг дастлабки кадрларида Отеллони ана шундай талқин этади. Фильм воқиалари процессида ўз мақсадига эришиш йўлида макр-ҳийлаларни ишга солган Ягонинг фаолияти ҳам очиб борилади. У, ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳамиша Отелло кетидан изма-из юради. Бу рольни талантли артист А. Попов моҳирлик блан ижро этган. Артист кучли, ақлли, шу блан бирга ўтакеттан маккор, ҳамма нарсани ўз манфаатига бўйсундиришга уринган шахсиятпараст киши образини яратган. Попов Ягонинг чексиз нафрат ҳисси блан тўлиб-тошганини, унинг ҳасадчилигини моҳирлик блан талқин этади. Артист Ягонинг макр-ҳийлалари, унинг психологик ҳолатларини тамошабинларга етказишда катта муваффақият қозонг...и. Яго кишилар ўртасига кирганда хушчақчақ, сермулозимат, ёлғиз қолганда эса кўзлари ғазаб блан чақнайди.

Яго — Попов энг тубан бўҳтонлар тўқийди, ҳатто унинг ўзи ҳам бу бўҳтонларга деярли ишонабошлайди. Яго ўзининг барча ҳийлаларидан қувонади. У ўзининг макр-ҳийлалари блан турмушда ўзи кутмаган катта-катта воқиаларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам Отелло ўз кўкрагига ханжар урганда Ягонинг соқчилар қўлидан қочиб чиқиб ерни муштлаши тасодифий ҳол эмас.

Отелло ва Яго фильм сюжетининг ҳаракат қилучи асосий кучлари ҳисобланади. Агар биз фильмнинг дастлабки кадрларида Отеллонинг хотиржам, бақувват ва ҳарқандай ташвишдан озод киши сифатида кўрсак, кейинги кадрларда Ягонинг макр-ҳийлалари натижасида унинг тамомила бошқа одамга айланганини кўрамиз. Отеллонинг Дездемонага бўлган ишончи секин-аста йўқолаборади. У «содиқ» Ягонинг сўзларига ишонабошлайди. Ана шу кадрлардан бошлаб, тамошабин Отеллонинг хаёлини, қалбини оғир ғам-алам, ташвиш қуршаб олганини кўради. Ундаги куч — хотиржамлик йўқолаборади. Отелло Ягонинг иродасига бўйсунабошлайди. Отелло — Бондарчук корабль каютасида ҳаддан ташқари оғир руҳий азобга тушиб қолади. Яго — Попов сурбет ва ўз «ўйини»нинг муваффақиятли чиқишига қат'ий ишонади. Отеллонинг кўз қараши ва гапларида «цивилизацияли» жамиятга нафрати ифода этилади.

...Отелло Дездемона ҳузурида. У секин-аста Дездемонанинг олдига келади ва уни бўғиб ўлдиради. Броқ бу унинг учун бунчалик фожиа эмас. Отелло Дездемонанинг гуноҳсиз ўлганлигини билгач, чинакам фожиа бошланади. У минора тепасидаги майдончага ётқизилган Дездемонанинг жасади олдида қайғуга ботиб ўтирибди.

Талантли артист Бондарчук Шекспир яратган бу кўпқиррали образни моҳирлик блан яратган. Шунингдек артист А. Попов ҳам бўҳтон, ҳасад, нафрат дун'ёсининг вакили Яго образини ҳаётий қилиб гавдалантираолган.

Фильмнинг муваффақиятли чиқишида оммавий саҳналар, композитор А. Хачатуряннинг мазмунли музикаси, оператор Е. Андриканиснинг чиройли манзараларни суратга олганлиги катта роль ўйнаган. Буларнинг ҳаммаси фильмнинг реалистик чиқишини та'минлаган. Шу блан бирга фильмда айрим камчиликлар ҳам бор. Бу камчилик айниқса Дездемона (артистка И. Скобцева), Кассио (В. Сошальский) образларининг тўлақонли ва ёрқин бўлиб чиқмаганлигида кўринади. Фильмда тамошабинлар диққатини образлар ҳаракатидан четга тортучи ортиқчаликлар ҳам бор.

Ленин орденли «Мосфильм» киностудияси ишлабчиқарган «Отелло» рангли фильми муваффақиятли чиққан. Фильм авторлари бош қаҳрамонлар Отелло ва Яго образларига катта э'тибор бериб, тўғри иш қилганлар. Трагедиянинг тўғри талқин этилиши ҳам ана шу образларга боғлиқдир.

А. САИДХЎЖАЕВА,
Ф. ЖЎРАЕВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Ерни чигит экишга сифатли тайёрлаш керак

Деҳқончиликда барча экинлардан, шу жумладан пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартларидан бири — тупроқни экин экишга тайёрлашдир.

Ерни чигит экишга тайёрлаш деганда биз, тупроқни ишлаш юзасидан муайян система блан амалга ошириладиган барча агротехника тадбирларини тушунамиз. Бу ишлар, эрта кўкламдан то чигит экишгача бажарилиб, ерда чигитнинг бир текисда униб чиқиши, ғўзанинг ўсув давридаги дастлабки кунларида нормал ривожланиши учун зарур бўлган барча шароитни туғдиришни кўзда тутади. Тупроқда нам, иссиқлик ва ҳаво етарли бўлган ҳолдагина экилиб тупроққа кўмилган чигит тез унабошлайди, ҳамда унинг ўсиб чиққан куртаги нормал ривожланади.

Ерни экишга тайёрлашда тупроқни донадор ҳолга келтириш керак. Шунда тупроқда кўп нам тўплаш ва уни сақлаб қолиш, тупроқнинг физик хусусиятини ўсимлик илдизи ва микроорганизмлар ривожланиши учун қулай ҳолга келтириш ҳамда пайдо бўлган бегона ўтларни, улар блан бирга зараркунанда, касалликларни йўқотиш, тупроқнинг ҳайдов қатламини қалинлаштириш ва унинг унумдорлигини ошириш мумкин бўлади. Шу блан бирга кузги шудгорлашнинг унумдорликни оширишдаги барча афзалликлари тўла сақлаб қолинади.

Ерни чигит экишга тайёрлашда карталарни қунт блан текислаш ҳам талаб этилади. Чунки чигитни уялаб экишда квадратларнинг тўғри бўлиб чиқиши кўп жиҳатдан ернинг текис бўлишига боғлиқдир.

Шудгорланган ерлар шу кунларда селгиб, тупроқ бети оқарабошлади. Демак бу ерлар дарҳол бороналаниши лозим. Бу жуда муҳим, мас'улиятли тадбир бўлиб, қисқа муддат ичида амалга оширилиши керак. Бороналаш натижасида куз ва қиш даврларида тупроқда тўпланган нам узоқ муддат сақланади, бундай ерга экилган чигит бир текисда кўкариб чиқади ва чигит суви беришга эҳтиёж қолмайди, ғўзани дастлабки даврда суғоришни анча кейинга суриш мумкин бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, агар ҳайдалган ер эрта кўкламда 3—4 сантиметр чуқурликда бороналанса, бороналанмаган ерларга қараганда намнинг буғланиб кўтарилиши 3,5—4 баравар камаяди. Кўкламда ер етилишига қараб қанчалик эрта ва ўз вақтида бороналанса, шунча яхши, я'ни кўп нам сақланиб қолади. Шу блан бирга шўрҳокни ювишда пастга тушиб кетган зарарли тузлар ҳайдов қатламга кўтарилмайди.

Бороналаш натижасида ҳам ер бети анча текисланади. Ер бетидаги кесак ва палахсалар уваланиб, машина ва сеялкаларнинг юриши қулайлашади. Ер бети бир текис ва майда кесакли бўлганда унга экилган чигит ҳам бир текисда кўмилади. Бундай участкаларда ҳар гектар ер тупроғининг бир метрлик қатламида бороналанмаган участкалардагига қараганда 300—400 кубометр сув миқдорида нам кўп бўлади. Кузда шудгор қилинган ёки қиш даврида ҳайдалган ерларни чигит экиш олдидан ишлашда ўша ерларнинг тупроқ шароитига қараб иш қилиш яхши натижа беради.

Ёғингарчилик етарли, тупроғи шўрҳок бўлмаган жойларда шудгорланган ерлар эрта кўкламда бороналанади, ҳайдов пайтида ҳосил бўлган айрим дўнг ва чуқурчалар текисланади. Бегона ўтлар кам бўлса ерлар «зиг-заг» борона блан бирйўла 2—3 марта ишланади. Аммо бегона ўтлар кўп бўлса, ер тупроқ бетини кесиб кетадиган панжали чизель-культиваторлар блан юмшатилади. Лекин бунда чизель-культиваторга борона тиркалади. Ер шу хилда юмшатилгандан кейин 1 — 2 марта мола ҳам бостирилади. Шўрҳок ерларда шудгор қилингандан кейин тупроқнинг ўтиришиб қолиши натижасида ҳам тузнинг ер бетига тепиш эҳтимоли бор. Шунинг учун бундай ерларни эрта кўкламда оралатиб икки марта бороналаш яхши натижа беради. Бунда тупроқнинг пастки қатламидаги нам, демак, унинг блан зарарли тузлар ҳам ер бетига кўтарилиб чиқмайди.

Шўри ювилган ёки яхоб берилган участкаларни бороналаш ҳам жуда муҳим. Ердан намнинг кўтарилиб кетмаслиги учун шўри ювилган ёки яхоб берилган ерлар селгиб тупроғи оқарабошлаши блан дарҳол бороналаб қўйилиши керак.

Кузда шудгор қилинмаган ва қишда ҳайдалмаган ерларни эрта кўкламда тупроқни ағдармасдан ҳайдаш катта аҳамиятга эга. Чунки шудгор қилинмай қолган ер ҳам куз ва қиш даврида ўзининг устки қатламида майин, унумдор қатламни ҳосил қилади. Ана шу унумдор қатламни пастки қатламга ағдариб юбормаслик учун ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун шудгор қилинмай қолган ерларни эрта кўкламда отвалсиз плуглар блан ҳайдаш яхши натижа беради. Машҳур колхоз олими Т. С. Мальцев тупроқни ишлашнинг янги методларини ишлаб чиқди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ва бошқа колхозларнинг тажрибалари ерни ағдармасдан ҳайдашнинг ёки чизельлашнинг пахта ҳосилини оширишга яхши та'сир этишини кўрсатди. Бу колхозда эрта кўкламда отвалсиз плуглар блан ҳайдалган ерларда отвалли плуглар блан ҳайдалган ерларга қараганда ҳар гектар ҳосили 2 центнерга яқин ошди. Аммо ерни ағдармасдан ҳайдашда жойларнинг шароитига қараб табақалаш керак. Эскидан экилиб келаётган, сизот сувлари 3—4 метрдан паст турган ерлар отвалсиз плуглар блан чуқур ҳайдалиши зарур. Сизот сувлари юзатурган, шунингдек ишланмай келган ерлар юза ҳайдалади. СоюзНИХИ ва илғор колхозларда олиб борилган тажриба ва текширишлар ағдармай ҳайдалган ерларда ағдариб ҳайдалган ерларга қараганда намнинг кўп сақланганлиги ва бунинг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига яхши та'сир этганлигини кўрсатди.

Ерни эрта кўкламда отвалсиз ҳайдашда ва уни чигит экишга тайёрлашда ўғитлаш системаси ҳам бирмунча ўзгаради. Бу усулда ишланган ерларга чигит экиш блан бир вақтда донадорлаштирилган фосфорли ўғит солинади. Бунда чигит ўғитлагичи бўлган СКГХ—4, ёки сеялкаларда экилади. Доналаштирилган ўғит чигит экиш блан бирга солинганда ерга 8—10 сантиметр чуқурликда кўмилади. Бу ўғит дастлабки ўсиш даврида ғўзанинг фосфорга бўлган эҳтиёжини та'мин этади. Доналаштирилган фосфорли ўғитлар заводларда тайёрланади. Колхоз правлениелари отвалсиз плуг блан ҳайдаладиган ерларни ҳисобга олиб, етарли миқдорда доналаштирилган ўғитларни ғамлаб қўйишлари керак. Чигит экиш блан бирйўла ўғитлашда ҳар гектар ерга 20—30 килограммдан доналаштирилган суперфосфат солинади.

Агар чигит экиш пайтида доналаштирилган ўғит мавжуд бўлмай қолса, у ҳолда ғўза 2—3 чинбарг чиқариши блан озиқлантирилади. Бу ҳолда суперфосфатга чириган маҳаллий ўғит қўшиб солинади.

Чигит экишгача тушган ёғинлар натижасида эрта кўклам бороналанган шудгор ва отвалсиз ҳайдалган ерларда қатқалоқ ҳосил бўлади. Ма'лумки қатқалоқнинг тезда юмшатилмаслиги ердаги намнинг кўплаб нобуд бўлишига, чигит экишгача тупроқ бет қаватининг қотиб қолишига сабаб бўлади. Натижада чигит сифатли экилмайди, уни ундириб олиш қийинлашади. Шунинг учун ёғингарчиликдан кейин ер етилиши блан қатқалоқни тезда юмшатиш керак. Бунда «зиг-заг» борона ва ротацион мотигалар ишлатилади. Қатқалоқнинг қалин-юпқалигига қараб, ерни юмшатишда оддий молалардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Илғор колхозларимиз шу кунларда шудгор қилинган ерларни бороналаш, текислаш, уларни чигит экишга тайёрлаш ишларини кучайтириб, чигитни ўз вақтида сифатли қилиб экиш тадбирларини кўраётирлар. Барча колхозлар илғорлар тажрибасидан фойдаланиб, пахта майдонларини чигит экишга барвақт сифатли қилиб тайёрлашлари керак.

М. МИРҲАЁТОВ,
Союз НИХИнинг илмий ходими.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Қайсибирига ишониш керак?

Оҳангарондаги газетхонлар шаҳар газетаси **«Ўзбекистон шахтёри»**нинг шу йил 1 апрель сонини қўлга олиб, ундаги материалларни ўқир эканлар, бир нарсага ҳайрон қолдилар. Чунки бир об'ект газетанинг биринчи саҳифасида қаттиқ танқид қилинган бўлса, худди шу об'ект учинчи саҳифада кўкларга кўтарилиб мақталган.

Сиз газетанинг бошмақоласида қуйидагиларни ўқийсиз:

«Аммо шаҳримизда шундай корхоналар борки, улар ҳали ҳам эскича ишламоқдалар. Социалистик мусобақани қизитиб юбориш ва Майолди меҳнат вахтасида туриб ишлашни ташкил этиш уердаги раҳбарларнинг эсларига ҳам келгани йўқ. Бунга айниқса Оҳангарон қурилиш бошқармасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бошқарма квартал планини бажармади. Бунга меҳнатнинг тўғри ташкил этилмагани, социалистик мусобақанинг қизитилмагани ва содир бўлган хатоларни тузатиш учун амалий тадбирлар кўрилмагани сабаб бўлди. Бошқарма раҳбарлари (Прушинский, Юван ва Ким Черун ўртоқлар) ишни жонлантириб юбориш учун ҳали ҳам тегишли чора кўрмаётирлар».

Шундан сўнг газета **«Бунинг блан келишиш мутлақо мумкин эмас»**, деган қат'ий қарорга келади.

Газетанинг учинчи саҳифасини очамиз. Бунда ҳозиргина қаттиқ танқид қилинган шаҳар қурилиш бошқармаси партия бюросининг секретари ўртоқ И. Юваннинг «Бинокорлар сур'атни оширмоқдалар» сарлавҳали мақоласи берилган. Мақолада, қурилиш бошқармаси коллективининг 1956 йил давлат планини муддатидан илгари — 25 декабрьда бажариш юзасидан олган мажбурияти бирма-бир санаб ўтилгач, бундай дейилади:

«Бинокорлар ҳозир шу мажбуриятларни бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Коммунист ва комсомоллар шу мусобақада ташаббус кўрсатиб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан бинокорлар оммасига бошчилик қилмоқдалар...

Партия ташкилоти ма'мурият блан бирга, кадрлар блан ишлашни яхшилашга, коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда».

Газетанинг бошмақоласида қаттиқ танқид қилинган камчиликлар ҳақида бу мақолада бир оғиз ҳам гапирилмаган.

Ўқучилар редакция ходимларига, жумладан газета редактори ўртоқ А. Убайдуллаевга: газетадаги материалларнинг қайсибирига ишониш керак, деб савол бергилари келади.

А. И. Микоян Ханойга келди

ХАНОЙ, 2 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан бугун Ханойга келди. У билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов ва А. И. Микояннинг бошқа ҳамроҳлари ҳам келдилар.

Жиала аэродроми Вьетнам Демократик Республикасининг ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган эди. Аэропорт вокзалининг биноси устида қилираб турган қизил алвонга ярқираган олтин ҳарфлар билан вьетнам ва рус тилларида: «Яшасин Вьетнам ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик!» деган сўзлар ёзилган.

А. И. Микоянни кутиб олмоқ учун Вьетнам Демократик Республикасининг Бош Министри ва ташқи ишлар министри Фам Ван Донг, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Чионг Тинь, бош министр ўринбосари ва миллий мудофаа министри генерал Во Нгуен Зиап, Бош министр ўринбосари ва ички ишлар министри Фан Ке Тоай, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси президиумининг раиси Тон Дик Тханг, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Ле Дик Тхо, министрлар, Миллат мажлисининг депутатлари, жамоат ташкилотларининг кўпгина вакиллари, Вьетнам ва четэл журналистлари аэродромга келдилар.

А. И. Микоянни кутиб олмоқ учун СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. В. Зимянин, Совет элчихонасининг ходимлари, Ханойдаги бошқа дипломатик вакилликларнинг бошлиқлари ҳам аэродромга келдилар.

Маҳаллий вақт билан соат 14 дан 50 минут ўтганда самолёт ерга қўниб, аэропорт вокзали биносини олдига келади. Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган А. И. Микоян самолётдан чиқади.

Вьетнам Демократик Республикасининг Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Фам Ван Донг А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов билан дўстона саломлашиб кўришади ва Вьетнам Демократик Республикасининг аэродромда турган давлат ва сиёсий арбобларини, Ханойдаги дипломатик вакилликларнинг бошлиқларини уларга таништиради.

Болалар А. И. Микоянга гуллар тақдим киладилар. Ҳарбий оркестр СССРнинг ва Вьетнам Демократик Республикасининг давлат гимнларини ижро этади. А. И. Микоян билан Фам Ван Донг фахрий қоровул олдидан юриб ўтадилар.

Фам Ван Донг микрофон олдига келиб нутқ сўзлайди:

ФАМ ВАН ДОНГ нутқи

Ҳурматли ўртоқ, Совет Ҳукумат делегациясининг Бошлиғи! СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ўртоқ А. И. Микоян бошчилигида бизнинг Вьетнам пойтахти Ханойга келган Совет Ҳукумат делегациясига Вьетнам халқи, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, Вьетнам меҳнаткашлар партияси номидан қизғин салом топшириш катта шараф ва ҳурсандлик деб ҳисоблайман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Вьетнам халқи Совет Ҳукумат делегациясини, улуғ совет халқининг, жаҳон тарихида биринчи Социализм мамлакатининг—бутун дунёда тинчлик ва демократия таянчи, меҳнаткашларнинг, эзилган халқларнинг ва прогрессив инсониятнинг содиқ дўсти бўлган Мамлакатнинг азиз вакилларини катта хурсандчилик ва шод-хуррамлик билан кутиб олади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Вьетнамнинг шимолидан тортиб то жанубигача, тоғлик районлардан тортиб то водий районларигача бўлган ерларда яшаб турган бутун халқи, аҳолининг турли табақалари ва турли миллатлар Сизга ва совет халқига қизғин бирдамлик ва дўстлик, чексиз ишонч ҳисларини, бизга ва барча мамлакатларнинг халқларига ўз озодликлари учун курашда жипслашиш йўлини кўрсатиб берган қардош совет халқига вьетнам халқининг чуқур миннатдорчилигини изҳор қиладилар. **(Қарсаклар).**

Вьетнам халқи шу нарсага аминдирки, Совет Ҳукумат делегациясининг Вьетнамга келиши гоят катта аҳамиятга эгадир, Совет ҳукумат делегациясининг Вьетнамга келиши Вьетнам ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида бўлган дўстлик алоқаларини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, бу дўстлик алоқалари эса Вьетнам халқининг тинч, бирлашган, мустақил, демократик ва гуллаб-яшнаётган Вьетнамни барпо қилиш учун олиб бораётган адолатли курашида унга куч ва ғайрат бағишловчи янги манба'дир.

Абадий, бузилмас Вьетнам-Совет дўстлиги мустаҳкамлансин. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Сўнгра А. И. Микоян нутқ сўзлади.

А. И. МИКОЯН нутқи

Қимматли дўстлар! Қизғин кураш натижасида ўз мустақиллигини қўлга олган қаҳрамон вьетнам халқини сизнинг озод юртингизда табриклашга ижозат берингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу курашда вьетнам халқи ўз кучини аямади ва кўп йиллар мобайнида оғир қурбонлар бериб келди.

Эндиликда озод вьетнам халқи тинч ижодий меҳнат билан шуғулланишга киришди. Унинг олдида муҳим вазифалар турибди: у, уруш сабабли ўз экономикасига етказилган жароҳатларни тузатиши, ўз хўжалигини янада ривожлантиришни та'минлаши, аҳоли турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини кўтариши ҳамда Женева Битимлари асосида демократик эркин сайловлар ўтказиш йўли билан ўз мамлакатини тинч бирлаштиришга эришуви лозим. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет ҳукумати ва СССР халқлари номидан сизларнинг бу олийжаноб вазифаларни вьетнам халқининг манфаатларини ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб муваффақият билан амалга оширишларингизни тилайман. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

А. И. Микоян билан Фам Ван Донг ўртоқлар машинага ўтирадилар. Иккинчи машинага Ш. Р. Рашидов Тон Дик Тханг билан бирга ўтиради.

Машиналар аэродромдан Республика президентининг резиденциясига боргунча (А. И. Микоян билан Ш. Р. Рашидов Ханойда бўлган вақтларида шу резиденцияга турадилар) бутун йўлда меҳмонларни пойтахт аҳолиси, теварак-атроф қишлоқларнинг деҳқонлари зўр хурсандчилик билан табриклаб турдилар. Совет меҳмонларини юз мингдан кўпроқ киши кутиб олди.

ХО ШИ МИН ҲУЗУРИДА А. И. МИКОЯН ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ХАНОЙ, 2 апрель. (ТАСС). Бугун кечқурун Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян шарафига зиёфат берди. Зиёфатда, А. И. Микояндан ташқари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. В. Зимянин, Вьетнам Демократик Республикасидаги СССР Элчихонасининг маслаҳатчиси Л. И. Соколов ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Вьетнам томонидан Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри ва ташқи ишлар министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Чионг Тинь, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри генерал Во Нгуен Зиап, бош министр ўринбосари ва ички ишлар министри Фан Ке Тоай, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси президиумининг раиси Тон Дик Тханг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси сиёсий бюросининг ва Марказий комитетининг а'золари, министрлар, Вьетнам демократик партияларининг раҳбарлари, Вьетнам Ватан фронти марказий комитетининг а'золари, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг депутатлари, мамлакат жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Лонг Банг, Хитой Халқ Республикасининг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ло Гуй-бо хам ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Хо Ши Мин ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар.

Зиёфат гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Албания Халқ мажлисининг учинчи сессияси очилди

ТИРАНА, 3 апрель. (ТАСС). Кеча Тиранада Албания Халқ Республикаси Халқ мажлисининг учинчи сессияси очилди.

Сессияни Халқ мажлисининг раиси Го го Нуши очди. Унинг таклифи билан депутатлар қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқладилар:

1). Албания Халқ Республикасининг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун проекти.

2). Албания Халқ Республикаси меҳнат қонунларининг проекти.

3). Албания Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

4). Парламент делегацияларини айирбошлаш тўғрисида.

Молия министри Абдул Келлези республиканинг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисида доклад қилди.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИ ПАРИЖГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Экономика институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси В. П. Дьяченко ва иқтисодий фанлар кандидати А. А. Арзуманян 2 апрельда Москвадан Парижга жўнаб кетдилар. Совет олимлари ЮНЕСКОнинг тинч тотув бўлиб яшаш масаласига бағишланган Халқаро конференциясига тайёргарлик кўриш юзасидан чақирилган кенгашда қатнашадилар.

* * *

ЮНЕСКОнинг аниқ ва табиий фанлари соҳасидаги тадқиқотлар программасини ишлабчиқиш бўйича тузилган Халқаро консультатив комитетида СССР Фанлар академиясининг доимий вакили, СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси Н. М. Сисакян мазкур комитетнинг учинчи сессиясида қатнашмоқ учун 2 апрельда Москвадан Парижга жўнаб кетди. (ТАСС).

Совет медицина олимлари группаси Афғонистонга жўнаб кетди

Совет профессор-медиклар группаси 2 апрельда Москвадан Кобилга учиб кетди. Группа состави профессор Г. П. Зайцев (хирург), профессор И. И. Сперанский (терапевт), профессор Т. И. Ерошевский (офтальмолог), профессор В. И. Бодяжина (акушер-гинеколог)дан иборат.

Совет олимлари Кобил университети ректори томонидан университетнинг медицина факультетида лекциялар ўқиш учун таклиф қилинган. (ТАСС).

Совет олимлари АҚШга келди

НЬЮ-ЙОРК, 3 апрель. (ТАСС). Ядро физикаси масалаларига бағишланиб Рочестер университетида (Нью-Йорк штати) очиладиган ва ҳар йили ўтказиладиган олтинчи конференцияга қатнашишга таклиф қилинган совет олимлари В. И. Векслер, М. А. Марков, ва В. П. Силин кеча Нью-Йоркка келдилар.

УКРАИНА ССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТНИНГ ЕВРОПА УЧУН ТУЗИЛГАН ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИНИНГ XI СЕССИЯСИ ИШИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ЖЎНАБ КЕТДИ

КИЕВ, 2 апрель, (ТАСС). Украина ССР савдо министри Г. Л. Сахновский (Украина ССР вакили), Украина ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. А. Слипченко (Украина ССР вакилининг ўринбосари) ва маслаҳатчилар А. И. Машков, В. Ф. Ивкинлардан иборат составдаги Украина ССР делегацияси БМТнинг Европа учун тузилган иқтисодий комиссияси XI сессиясининг ишида қатнашмоқ учун Киевдан Женевага учиб кетди.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIV с'езди

ЛОНДОН, 2 апрель. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партияси XXIV с'ездининг 31 март кундузги мажлисида мажбурий ҳарбий хизмат муддатини камайтириш учун бошланган кампанияни активлаштиришга чақируви резолюция қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетидан с'ездга юборилган табрик хати ўқиб берилди. Делегатлар қизғин кутиб олган бу табрик хатида бундай дейилади:

БУЮК БРИТАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV С'ЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIV с'ездига қардошлик саломини юборади.

Буюк Британия Коммунистик партиясига ишчилар синфи билан инглиз жамоатчилиги барча прогрессив кучларининг ҳаракат бирлиги учун, ўз сафларини мустаҳкамлаш ва коммунистларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш учун курашда, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда муваффақиятлар тилаймиз.

Буюк Британия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети

Сўнгра қардош компартияларнинг делегатлари — Франция Коммунистик партияси сиёсий бюросининг а'зоси Вальдек Рюше, Германия Федерал Республикаси Коммунистик партияси номидан Франц Аренс, Австрия Коммунистик партияси марказий комитети номидан Франц Марек сўзга чиқиб табриклашдилар.

Сиёсий доклад устида бўлган музокаралар тамом бўлганидан кейин Жон Голлан жавоб нутқи сўзлади.

Голлан КПСС XX с'ездининг аҳамиятини та'кидлаб гапирди. Голлан ўз нутқининг анчагина қисмини ишчилар синфи бирлигини мустаҳкамлаш зарурлигига бағишлади.

С'ездининг кеча эрталабки мажлисида ёшлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш бошланди.

Коммунистик партия бош секретарининг ёрдамчиси Жорж Метьюз миллий ижроия комитети номидан «Коммунистик партия ва ёшлар» сарлавҳали доклад тақдим қилди.

Докладда қуйидаги талаблар қўйилган: мажбурий ҳарбий хизмат муддати дарҳол камайтирилсин; мустамлакалардаги урушлар тўхтатилсин ва барча мамлакатларнинг ёшлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин; меҳнаткаш ёшларнинг ишҳақи оширилсин ва меҳнат шароити яхшилансин, маориф системаси яхшилансин ҳамда спорт ва дам олиш учун катта имкониятлар берилсин.

Луо Суннас (Финляндия Коммунистик партияси)ва Альфред Дьюхерст (Канада ишчи прогрессив партияси) табрик нутқи сўзладилар. Сўнгра Польша Бирлашган ишчи партиясининг, Чехословакия Коммунистик партиясининг ва Корея Меҳнат партиясининг табрик хатлари ўқиб эшитдирилди.

С'езднинг кундузги ва кечки мажлислари ёпиқ тартибда ўтказилди.

Пресс Ассошиэйшн агентлигининг берган хабарида айтилишича, с'езднинг ёпиқ мажлисларидан кейин қуйидаги расмий баёнот э'лон қилинган. «С'езд апелляция комитетининг докладини тинглади ва яширин овоз бериш йўли билан ижроия комитетининг янги составини сайлади.

Шу билан бирга с'езд бош секретарь Гарри Поллитнинг КПСС XX с'езди тўғрисидаги докладини тинглади. С'езднинг ёпиқ мажлиси докладни тасдиқлади ҳамда Совет Иттифоқига, унинг халқига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига тўла ишонч билдирди. С'езд, коммунизмга боришнинг XX с'ездни бутун сиёсатида акс этдирилган улуғ перспективалари тўла равишда амалга оширилади, деб ишонч билдирди».

* * *

ЛОНДОН, 3 апрель, (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIV с'езди кеча ўз ишини тамомлади. С'езднинг охирги мажлисида партиянинг район ташкилотлари томонидан таклиф этилган бирқанча резолюциялар қабул қилинди. Бу резолюцияларда, жумладан, уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалик соҳасидаги аҳволни яхшилаш тўғрисида талаблар қўйилган. С'езд қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашаётган Кипр оролининг аҳолиси билан бирдамлик туйғулари ифодаланди.

С'езд партия сиёсатини ва талабларини баён қилиб берган асосий сиёсий резолюцияни бир овоздан ма'қуллади. Бу резолюцияда партия бош секретари Гарри Поллитнинг ҳисобот докладида қўйилган асосий қоидалар партиянинг район ва округ ташкилотлари томонидан резолюциянинг дастлабки проектига киритилган тузатишлар ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда баён қилиб ўтилди. Поллит томонидан қилинган ҳисобот докладини ҳам с'езд якдиллик билан ма'қуллади.

С'ездда раислик қилган Ж. Кэмпбелл («Дейли уоркер» газетаси редактори) якунловчи нутқ сўзлаб, Буюк Британия Коммунистик партияси с'ездан кейин яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланади ва инглиз коммунистлари ўзларининг бутун кучларини бундан буён ҳам ишчилар синфи ишига хизмат қилишга сарфлайдилар, деб ўқтириб ўтди.

С'езд охирида «Интернационал» ижро қилинди.

Чжу Дэ Пекинга қайтиб келди

ПЕКИН, 2 апрель. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Чжу Дэ СССРга ва халқ демократияси мамлакатларига қилган сафаридан бугун кечқурун Пекинга қайтиб келди. Вокзалда ўртоқ Чжу Дэни ХКП Марказий Комитетининг секретари, Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси Лю Шаоци, ХКП Марказий Комитетининг секретари, Давлат кенгашининг раиси Чжоу Энь-лай, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, шунингдек СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин ва бошқа мамлакатларнинг дипломатия вакиллари кутиб олдилар.

СССР ПАРЛАМЕНТ ГРУППАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЮГОСЛАВИЯДА БЎЛИШИ

БЕЛГРАД, 2 апрель (ТАСС). «Политика» газетаси ҳабар қилади: 1 апрельда Титоградда Черногория Халқ скупщинаси республика вечесининг раиси Никола Ковачевич парламентаро иттифоқ кенгашининг мажлисида қатнашадиган СССР парламент группаси делегациясининг а'золари шарафига зиёфат берди.

Совет делегацияси Дубровникга боратуриб йўлакай Черногория пойтахти Титоградда тўхтади. Дубровникда Парламентаро иттифоқ кенгашининг мажлиси бўлади.

СОВЕТ-БИРМА МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА БИРМА ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

РАНГУН, 3 апрель. (ТАСС). Мандалайда (Бирма) чиқадиган «Пипл» газетаси Совет-Бирма иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган мақолани босиб чиқарди. Мақолада Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик давлатларгина Бирмани ривожлантиришда унга чинакам ёрдам кўрсатишлари мумкин, дейилади. Шу мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли савдо-сотиқ қилинаётганлиги туфайли, деб ёзади газета, биз чет давлатларга қарам бўлишдан батамом қутулишимиз ва мустақил экономикамизни барпо қилишимиз мумкин.

Британия Бирмада ҳукмронлик қилган даврда, деб ёзади газета, мамлакат экономикаси мустамлака характерида эди. Капиталистик давлатлар Бирмадан ҳомаш'ё сотиб олиб, унга тайёр маҳсулот сотар эдилар. Бу эса мамлакат экономикасини ривожлантиришни бўғиб қўймоқда эди. «Бизга ҳатто нина ишлаб чиқаришни ҳам ўргатмас эдилар, деб ёзади газета. — Инглизлар Бирмага фақат ўз маҳсулотларини сотишни истар эдилар».

Югославияда биринчи океан кемаси

БЕЛГРАД, 2 апрель (ТАСС). «Борьба» газетасининг хабарига қараганда, 1 апрельда Сплитда «Марьян» деган 10 минг тонна ҳажмли биринчи океан юк кемаси сувга туширилган. Бу кема Сплит кемасозлик заводида қурилган.

Сайгонда вабо

ЛОНДОН, 3 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг берган хабарида айтилишича, Сайгонда (Жанубий Вьетнам) вабо касали тарқалабошлаган.

Марокаш Коммунистик партиясининг секретари Абдулкарим бен Абдулла ўлдирилди

ПАРИЖ, 2 апрель (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабарига қараганда, 31 мартда Касабланкада Марокаш коммунистик партиясининг секретари Абдулкарим бен Абдулла ўлдирилган. Газетанинг гумон қилишича Абдулкарим бен Абдулани йирик мустамлакачиларнинг топшириғи билан иш кўраётган террорчилар шайкаси ўлдирган бўлса керак. Абдулкарим бен Абдулланинг ўлдирилиши Марокаш демократик жамоатчилиги ўртасида кучли норозилик туғдирган.

Бу ерда ҳунар ўрганадилар

Қорақалпоқ кўчасининг икки томонида қад кўтарган қатор баландпаст бинолар узоқ сафарга отланган поезд составини эслатади. Биналардан бирининг дарвозаси тепасидаги тахтага «Хуш келибсиз!» деб ёзиб қўйилган давқа кишининг диққатини жалб қилади. Дарвозадан ичкари кирар экансиз кимнингдир «45, 70, 75» ва ёки «эни, бўйи» деб айтаётган сўзлари баралла эшитилиб туради. Демак хоналарнинг бирида машғулот ўтказилмоқда.

... Мана шинамгина қилиб безатилган ва мебеллар билан муносиб жиҳозланган кенг хона. Қатор қилиб қўйилган парталарда хотин-қизлар кирпққа яқин киши ўтириб, ўқитучи томонидан айтилаётган сўзларни тез-тез ёзиб олмоқда. Бўйнига ўлчагични осилтириб олган ўқитучи дам у ўқучининг, дам бу ўқучининг ёнига келиб у айтаётган ба'зи рақамларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри ёзганини текшириб кўради-да, шу вақтнинг ўзида унга изоҳ бериб, иккинчи томонга ўтиб кетади.

Киров районининг маданият уйида ташкил этилган тикув-бичув ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 300 дан ортиқ киши шуғулланиб, турли ҳунар ўрганмоқда. Тикув-бичув курсида шуғулланаётганларнинг кўпчилигини ишчи, хизматчи ва уй иши билан шуғулланучи хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозир бу ерда 9 та тикув-бичув курси ишлаб турипти.

Курсни тамомлаган ўқучи мастер номини олади, у турли ателье модлар, артеллар ҳамда тикучилик завод ва фабрикаларида мастерлик вазифасида ишлаши мумкин. Бу ерда ҳунар ўрганган ўртоқ К. В. Дубинина Сариоғоч район маданият уйиташи қўл ҳунари ўрганиш тўгарагида ўқитучи, А. Банникова Тошкентдаги 1-нчи тикучилик заводида мастер, Агнянова илгор тикучи, О. Раҳматуллаева эса Киров район маданият уйида инструктор бўлиб ишламоқдалар.

Шу йил 8 март куни курсни 76 хотин-қиз битириб чиқди. Апрельда курсни яна 150 киши тамомлайди. Ўқучи курсни тамомлаш олдидан мустақил равишда кийим-кечаклардан бирини тикади. Шундай қилиб, курсни битирувчиларнинг ҳаммаси томонидан тикилган кийимлардан виставка ташкил этилади ва уларга баҳо берилади. Курсни тамомлаб кетганлар маданият уйига тез-тез келиб, бу ердаги тажрибали ихтисосли ўқитучилардан турли соҳада консультация олиб турадилар.

Бундан ташқари бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳам яхши ишламоқда. 35 ҳаваскордан ташкил топган ўзбек халқ чолғу ансамблининг коллективи меҳнаткашларга маданий хизмат қилмоқда. Коллектив Ўртасарой районидаги Свердлов номли, Булганин номли, «XIX партс'езд» ва «Северний маяк» каби колхозларда бирнеча бор бўлиб катта программада концерт берди. Яқинда коллектив яна Ўртасарой районининг пахтакорларига концерт қўйиб берди. Шу кунларда маданият уйи бадиий ҳаваскорлари Ашула байрамига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар Ашула байрамига «Партия бизнинг йўлбошчимиз» монтажини тайёрламоқдалар. Шунингдек турли ўйин ва ашулаларни ҳам ўрганаётирлар.

Т. АЛИЕВА,
Т. УНАБОЕВ.

Суратда: курсни тамомлаганлардан бир группаси ўқитучи ўртоқ **Тўхтаева** (ўнгдан иккинчи)дан консультация олмоқдалар.

Р. Шамсиддинов фотоси.

„Юмор кечаси“

Пойтахт меҳнаткашлари шу кунларда Ўзбекистонга гастролга келган Белоруссия Давлат эстрадаси еврей артистлари коллективи томонидан кўрсатилаётган ранг-баранг программадаги концертларни зўр э'тибор билан тамоша қилмоқдалар.

Коллективнинг «Еврей юмори кечаси» деб номланган бу концерт программасига киритилган номерларнинг кўпчилиги совет жамиятида учрайдиган айрим бюрократлар, мағрурланиб кетган кишилар, лаганбардорларни фош этишга бағишланган. Концерт программасидаги рус ва еврей халқ қўшиқлари ҳамда лапарларида совет оиласи, совет кишисининг меҳнат процесси ва оиладаги қиёфаси ифода этилган.

Сан'аткорларнинг Ўзбекистон Давлат эстрадасида берган концертини тамошабинлар зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Концертда моҳир артистлардан Аврам Треппель ва Марк Круглянскийлар ижро этган композициялар айниқса тамошабинларга манзур бўлмоқда. Еврей халқининг классик ёзучиси Ровка Мелахининг «Алданган тикучи» новелласи асосида ишланган инсценировка бу артистлар ижросида моҳирлик билан ижро этилади.

Артистка Евгения Вальчук ижро этган номерлар тамошабинлар э'тиборини жалб қилмоқда. Артистка «25 сўмни майдалаб беринг?», «Онам мени маслаҳатга юборди», «Кутиш» сингари еврей ҳазил қўшиқларини жуда шўх ва нафис ижро этмоқда. Шунингдек, Мураделининг «Денгиз ҳақида қўшиқ», Левиннинг «Қониқарли суҳбат» каби ашулалари ҳам артистка томонидан ритмик оҳанг билан куйланади.

Еврей артистларининг гастроль концертларини пойтахт томошабинлари зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар.

А. АЛИЕВ.

Юзкатакли шашка бўйича республика биринчилиги учун

Яқинда «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг спорт залида юзкатакли шашка бўйича Ўзбекистон учинчи чемпионатининг очилиш маросими бўлди.

Чемпионатда энг кучли шашкачилар иштирок этмоқда. Мусобақада спорт мастери Хейф (Москва) конкурсдан ташқари ўйнайди. Биринчиликни эгаллаган спортчи Ленинград, Одесса ва Вильнюсда СССР биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақаларда қатнашади.

Мусобақанинг биринчи даврасида икки учрашув бўлди. Бунда Шокиров билан ўйнаган Круглов хатоликка йўл қўйди ва мағлубиятга учради. Ёқубов билан Хейф партияси дуранг бўлди. Қолган ўйинлар кечиктирилди.

Мусобақа давом этмоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да кундуз **Чин муҳаббат**, кечқурун **Қутлуғ қон**, 5/IV да **Шамсиқамар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да кундуз **Кўр ўғли**, кечқурун **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да кундуз ва кечқурун **Сурмахон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада **катта цирк тамошалари**. Тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) янги бадиий фильм **Отелло**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (кундуз) — **Икки капитан**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 11 да **Педагогик поэма**, кундуз **Икки капитан**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

6 апрельда

КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа Имомхўжаев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова, Убайдулла Мадраҳимов, Комилжон Жабборов**, эстрада солистлари **Назрулла Ёқубов, Одилжон Мирзақулов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан Очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03705 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1408.